

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**
*мавзусидаги илмий-амалий
конференция материаллари
(2023 йил 1 март)*

Тошкент – 2023

УЎК-342.22

Ю-70

“Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2023.

Юристар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услугий кенгашнинг 2023 йил 1 майдаги мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган (24-сон баённома).

Таҳрир ҳайъати:

Ш.М.Рабиев, Ш.К.Саидов, Х.С.Файзиев, Ш.Х.Хасанов

Тўпламда 2023 йил 1 март куни “Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари жой олган.

Тўлам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

**© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази, 2023**

РАБИЕВ ШЕРЗОД МИРЖАЛИЛОВИЧ	Ўзбекистон вазирлиги малакасини директори	Республикаси қошидаги ошириш	Адлия Юристар маркази
---------------------------------------	----------------------------------------------------	------------------------------------	-----------------------------

**“Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар”
мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги нутқ**

**Ассалому алайкум ҳурматли конференция иштирокчилари!
Муҳтарам меҳмонлар!**

Аввало, барчангизга бугунги тадбирда иштирок этаётганлигингиз учун Юристар малакасини ошириш маркази жамоаси номидан чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман!

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган ушбу тамойил юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратмоқда. Бугун давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу эзгу ташаббусни тўла рўёбга чиқариш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашда юридик хизмат фаолиятини мунтазам такомиллаштириб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалиётда туман миқёсидаги давлат органлари ва ташкилотларидаги айрим юридик хизмат ходимлари ўз функциявий мажбуриятларидан ташқари бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса, ўз навбатида, юридик хизмат ходими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари сусайиб кетишига олиб келмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга

сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 29 июндаги ПҚ–5168-сон “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, шу асосда жойларда марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Умуман олганда юридик хизмат кўрсатиш марказлари бизга нима беради?

Биринчидан, бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Туман (шаҳар) даражасидаги ташкилотларда жами 2001 та юридик хизмат штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларни сақлаб туриш учун бир йилда ўртача 80 млрд сўмга яқин бюджет маблағлари сарфланмоқда.

Иккинчидан, қонунийлик ва қонун устуворлиги амалда таъминланади. Давлат органлари ва ташкилотларида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш юридик хизматнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари эса давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига бўйсунмайди, уларнинг таъсир доирасида бўлмайди, яъни улар тўла мустақил фаолият олиб боради. Бунинг натижасида давлат органлари ва ташкилотларида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади.

Учинчидан, ортиқча ўрганишлар, текширишларнинг олди олинади. Бугунги кунда туман даражасидаги юридик хизматлар ташкилотларда қонун устуворлигини ва қонунийликни таъминлай олмаяпти, шу сабабли ташкилотдаги қонунбузилишлар адлия бўлимлари томонидан жойларда ўтказилган ўрганишлардан кейингина бартараф этилмоқда.

Юридик хизмат кўрсатиладиган давлат идораларининг марказларга юбориладиган ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказувчи «Э-ҳуқуқшунос» электрон тизими яратилди, иш

юритуви тўлиқ рақамлаштирилиб, қоғозбозликка барҳам берилди. Республикамиздаги 207 та туман ва шаҳардаги 2 мингдан ортиқ давлат органларида ҳуқуқни бир хил қўллаш амалиёти шаклланди ҳамда аҳолига ва бевосита ижрочиларга қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш ва тушунтиришнинг янги бўғини юзага келди.

Сўзимнинг якунида хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ташкил этилиши давлат органлари ва ташкилотларида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид яхлит механизмни шакллантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**ЖЎРАЕВ ИСЛОМ
АНВАР ЎҒЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги Хуқуқий хизматлар бўлими
бошлиғи

**“Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар”
мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги нутқ**

**ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ: АМАЛИЁТНИНГ
ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧИ ВА ИЛК НАТИЖАЛАР**

Ассалому алайкум ҳурматли конференция иштирокчилари!

Барчангизни **“Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар”** мавзусида бўлиб ўтаётган илмий-амалий конференцияда кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Сир эмаски, мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хабарингиз бор, юридик хизмати мавжуд бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга **сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида** Президентимизнинг 2021 йил 29 июндаги ПҚ–5168-сон “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Дастлаб мазкур қарор асосида **12 турдаги 2 312 та** давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмаларига Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан сифатли юридик хизмат кўрсатилиб келинган.

Шунингдек қарор билан юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, давлат ташкилотларига сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш; ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти оширилиши ва шу каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказ ходимлари бир қатор қўйидаги имтиёзлар эга бўлишди:

– мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра тегишли равишда туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларига тенглаштирилди;

– мартаба даражаларига эга бўлиши, кўп йиллик хизмат учун устамаларни олиш имкони берилди;

– уч йил меҳнат стажига эга бўлган шахс лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этиш;

– нотариал идорада олти ой муддат стажировка ўтаб малака имтиҳонини топшириш ҳуқуқи берилди.

Малакали ва ёш ҳуқуқшунослар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизими йўлга қўйилиб, барча йўналишлардаги мураккаб ҳуқуқий муаммоларни коллегиял тарзда ечиш имконияти яратилди.

Юридик хизмат ходимларининг тўлиқ мустақиллиги таъминланиб, иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолатлари бартараф этилди.

Аҳоли ва ижрочиларга қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш ва тушунтиришнинг янги бўғини яратилди.

Аҳолига ва бевосита ижрочиларга янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Бу каби янгиликлар талайгина ва барчасини санаб ўтишга вақт имкон бермайди. Асосийси, “**E-huquqshunos**” электрон тизими туфайли давлат органларига масофавий юридик хизмат кўрсатиш ҳамда юридик тусдаги барча ҳужжатларни қоғозсиз ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имконияти пайдо бўлди.

Яна бир аҳамиятли тарафи “**E-huquqshunos**” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда қабул қилинган буйруқ ва шартномалар юридик кучга эга бўлмаслиги, шунингдек, улар ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги белгиланган.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бирин-кетин натижасини бера бошлади. Жумладан, эришилган ижобий натижаларни таҳлилидан келиб чиқиб, марказлар қамровини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 18-март куни ПҚ–173-сон қарори қабул қилинди.

Эндиликда мазкур қарорга мувофиқ, ҳозирги кунда **18** турдаги давлат органлари ва ташкилотларининг **3 528** та туман (шаҳар) бўлинмаларига ва **10 130** та давлат умумий ўрта таълим мактаблари, **6 379** та давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда **1 218** та кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларга **жами 21 255** та ташкилотларга Марказлар томонидан хизмат кўрсатилмоқда. Ижозатингиз билан уларни санаб ўтсам, жумладан:

- маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими;
- қишлоқ хўжалиги бўлими;
- туризм ва маданий мерос бўлими;
- спортни ривожлантириш бўлими;
- оила ва хотин-қизлар бўлими;
- давлат солиқ инспекцияси;
- аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази;
- давлат умумий ўрта таълим мактаблари;
- давлат мактабгача таълим ташкилотлари;
- давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар.

Мазкур қарорининг 8-банди ижроси бўйича ҳамда Марказларнинг ўтган бир йиллик фаолияти сарҳисоби давомида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан:

– давлат идораларининг **4 млн.**дан ортиқ ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан о‘тказилди, талабнома ишларини юритиш натижасида **11 млрд.** сўмдан ортиқ ва даъво ишларини юритиш натижасида **14 млрд.** со‘мдан ортиқ пул маблағлари ундирилиши юзасидан даъволар қаноатлантирилди;

*Илгари ташкилотларга юридик хизмат **кўрсатилмаганлиги оқибатида** низоли ҳолатлар фақат суд орқали бартараф этилган ва бу ташкилотлар учун ортиқча сарф-харажатларни келтириб чиқарган. Марказлар томонидан хизмат кўрсатилиши натижасида низоли ҳолатлар судгача ҳал этилиш амалиёти жорий этилди ва ташкилотлар учун судларга сарфланадиган харажатлар иқтисод қилинишига олиб келди.*

– давлат идораларида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ижросини таъминлаш бўйича, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида **55 мингга** яқин ҳуқуқий тарфибот тадбирлари ўтказилди;

– марказлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш (КПИ) тизими жорий этилди ва 2022-йилнинг II-IV-чораклари бўйича Марказлар фаолияти баҳоланди;

– марказлар ходимларига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида **208 та** Марказдаги **900** дан ортиқ ходимлар учун ўқув-семинар ташкил этилди;

– марказлар фаолияти учун зарур бўлган ва хизмат кўрсатилаётган ташкилотларда учраётган муаммолардан келиб чиқиб, **100 дан** ортиқ **буйруқ**, **10 дан** ортиқ **шартнома ва бошқа тусдаги** ҳужжатлар намуналари ишлаб чиқилиб, Тизимга жойлаштирилди;

– “E-huquqshunos” электрон тизими орқали ташкилотлар томонидан Марказларга иш вақтидан ташқари вақтда киритилган ҳужжат лойиҳаларини кўриб чиқиш муддатларини навбатдаги иш кунидан бошлаб ҳисоблаш тартиби жорий этилди;

– мактаб, боғча ва поликлиникаларнинг иши мақбуллаштирилиб, **қоғозбозликка барҳам берилди** ҳамда иш юритуви **рақамлаштирилди**;

Муқаддам мазкур ташкилотлар йилига ўртача 1 млн.дан ортиқ қоғоз (80 млн. сўм) сарфлаган бўлса, иш юритуви рақамлаштирилиши оқибатида ушбу харажатлар иқтисод қилинмоқда.

– мактаб, боғча ва поликлиникаларнинг моддий-техник аҳволи Адлия вазирлиги ташаббуси билан Халқ таълими, Мактабгача таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан **ҳамкорликда бутланди**;

2022 йил 1 август ҳолатига ушбу ташкилотларнинг 394 таси интернет билан, 612 таси замонавий компьютер воситалари билан таъминланди.

– мактаб, боғча ва поликлиникаларда бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиёти шакллантирилди ҳамда уларга **тезкор ва сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатиш** йўлга қўйилди;

– давлат ташкилотларининг ҳужжатлари сифатли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши оқибатида ушбу ҳужжатларнинг ваколатли органлар, шу жумладан судлар томонидан бекор қилиниши **99,3 фоизга** қисқарди (2019–2021 йилларда **21 588 та ҳужжатлар бекор бўлган**).

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги ПФ-258-сон Фармони Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини яна бир поғонага яъни **“Ёшлар ишлари агентлиги бўлими”** билан кенгайтирилди.

Эътироф этиш керак, бу жуда аҳамиятга молик ва бугун учун керакли жараён бўлди. Ана шу жараённи тўлиқ таъминлаш мақсадида, “E-huquqshunos” электрон тизимини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар бериб бориш мақсадида “call-марказ” фаолиятини йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Адлия вазирлиги томонидан Марказлар фаолиятини таҳлил қилиш, КПИ тизими орқали баҳолаш ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини ошириш мақсадида республикадаги барча Марказ ходимлари учун ўтган 2022 йилнинг 28-феврал кунидан 3-март кунига қадар “Олмос” конвенцион марказида ўқув-семинари ҳам ташкил этилди.

Эътиборингизни яна бир муҳим жараёнга қаратсам. Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги ПҚ–5216-сон қарорига асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни фарзандликка ёки васийликка олган фуқароларга (ҳомийликка, патронатга) Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан бепул юридик хизмат кўрсатиш белгилаб ўтилган.

Шунга кўра, Марказлар томонидан ўтган 1 йилдан ортиқ муддат давомида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни фарзандликка ёки васийликка олган фуқароларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, республика бўйича етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони – **12277 тани** ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка ёки васийликка олган фуқаролар сони – **10156 тани** ташкил этмоқда.

Марказларга **1436 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **152 таси** қаноатлантирилган, **1149 тасига** ҳуқуқий тушунтириш берилган ҳамда 36 таси тегишлилигига кўра юборилган.

Мурожаатлар асосан мерос ҳуқуқи, кредит олиш, ниҳокдан ўтишга оид талаблар, ишга кириш, ижтимоий ҳимоя олиш ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан бўлган.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка ёки васийликка олган фуқаролар манфаатларини кўзлаб Марказлар томонидан **27 та** таъсир чоралари киритилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Марказларни очилиши туман (шаҳар) даражасидаги давлат органларининг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини янада мустаҳкамлайди ва бугунги кунда юридик таъминотга эга бўлмаган ташкилотларга юридик хизмат кўрсатиш, қоғозбозлик ва коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш имконини беради.

Шунингдек, сўзимни охирида айтмоқчиманки, бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳозирги кунда туман (шаҳар) даражасидаги 39 турдаги 7 мингга яқин ташкилотларга Марказлар томонидан хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилмаган. Бугунги кунда уларга хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборингиз учун раҳмат!!!

**МАШАРИПОВ СОҲИБЖОН
ТОХИРОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт
ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ
қўмитасининг Юридик бошқармаси
бошлиғи

**“Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар”
мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги нутқ**

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1. Муаммо: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий экспертизадан ўтказилиши белгиланган. Бироқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда идоравий ҳужжатлар илмий экспертизадан ўтказилмаганлиги сабабли уларнинг мазмунида қарама-қаршилиқлар мавжуд.

Ечим: Норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларни лойиҳларини мажбурий тартибда илмий тадқиқот институтларда экспертизадан ўтказиш.

2. Муаммо: Эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юкини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кўп.

Ечим: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни соҳалар бўйича тизимлаштириш лозим.

3. Муаммо: Юридик хизмат ходимлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиладиган юридик тусдаги ҳужжатларнинг тушунчаси ҳамда аниқ рўйхати мавжуд эмас.

Ечим: Давлат органлари ва ташкилотларида буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларни аниқ рўйхатини шакллантириш.

4. Муаммо: Ҳуқуқий саволларнинг кўплиги ҳамда уларнинг ечими бир хилда ҳал этилмаслиги муаммоларни нотўғри ҳал этилишига олиб келмоқда.

Ечим: Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларида мавжуд муаммоларни фикр ва тажриба алмашиш йўли билан ҳал этиш ва ягона амалиётни шакллантириш мақсадида “Юристар клуби”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур Клуб аъзолари билан муаммоларни таҳлил этиш, уларни ҳал этиш йўллари топиш ҳамда муҳокама қилишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, тренинглари, семинарлар ва вебинарлар ўтказиш, шунингдек, хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида хориж экспертларини жалб қилиш;

5. Муаммо: Юридик хизматига янги ишга кирмоқчи бўлган номзодларни аксарияти юридик хизмат фаолияти билан таниш эмас.

Ечим: Юридик хизматга ишга қабул қилиш учун олий юридик маълумотга эга номзодларни қисқа муддатли курсларда “hard skills” ва “soft skills” кўникмаларига тайёрлаш. Номзод ўқишнинг якуни бўйича сертификатга эга бўлиши, уни лавозимга тайинланишига асос бўлади, сертификатни қўлга киритган номзодлар лавозимга тайинлаш учун адлия органлари билан келишишни зарурияти қолмайди. Бироқ сертификатни қўлга киритолмаган номзодларни лавозимга тайинлаш учун адлия органлари билан келишиш амалиёти қўлланилади.

**ФАЙЗИЕВ ХАЙРИДДИН
СИРОЖИДДИНОВИЧ**

Юристар малакасини ошириш
маркази Касбий кўникмаларни
ривожлантириш кафедраси мудир,
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

***Аннотация:** мақолада мамлакатимизда юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ошириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнида юрисконсултларнинг роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилиб, соҳани юридик жиҳатдан таъминлашдаги мавжуд нуқсон ва камчиликларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Шу билан бирга, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, адлия вазирлиги тизимида босқичма-босқич жорий қилинаётган юридик хизмат кўрсатиш янги тизимининг афзалликлари хусусида маълумотлар берилиб, унинг ижобий жиҳатлари билан боғлиқ баъзи хулосалар қилинган.*

***Калит сўзлар:** адлия вазирлиги, юридик хизмат, юрисконсулт, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонунийлик ва қонун устуворлиги, юридик хизмати ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, юридик хизмат кўрсатиш марказлари, юридик хизмат кўрсатиш миллий амалиётининг шаклланиши.*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва бозор муносабатларига ўтиш

даврида давлат томонидан юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, унинг бошқарувдаги роли ва аҳамиятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, 1993 йилдан 2018 йилгача ҳуқуқий ишни ташкил этиш ва юридик хизмат соҳаси бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди¹. Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистонда МДХнинг бошқа мамлакатларига нисбатан юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича қонунчилик жараёни бирмунча аниқ ривожланиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, иқтисодиёт, давлат ва хўжалик бошқаруви тизимидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартда 118-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом”² мустақил Ўзбекистон тарихида мамлакатда юридик хизмат фаолияти ва ҳуқуқий мақомини тартибга солишга мўлжалланган илк ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августда қабул қилинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви

¹ Қаранг, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1993 й., №3, 8-мод., (ҳужжат кучини йўқотган, 24.08.2007 й.), <http://lex.uz/ru/docs/619675>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355-модда; 2012 й., № 37, 429-мод.; 2013 й., № 50, 650-мод.; 2015 й., №23, 302-мод., (ҳужжат кучини йўқотган, 10.05.2017 й.), <http://lex.uz/ru/docs/1240677>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги “Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 472-мод.; 2013 й., №50, 650-мод.; 2015 й., №23, -мод.302; 2017 й., № 18, 323-мод., Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 23.12.2017 й., № 10/17/1001/0447, <http://lex.uz/ru/docs/1274009>.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 мартдаги 118-сон қарори // <http://lex.uz/ru/docs/1240677>.

³ Ушбу ҳужжат шартномавий ишларга нисбатан юридик хизмат ролини ошириш юридик хизматнинг асосий функцияларида ўзгаришларни назарда тутар эди, унинг ходимлари шартномаларни қонунчиликка мувофиқлигини формал тарзда тасдиқлаш ва имзолаш ўрнига шартномавий алоқаларни шакллантириш, корхоналар томонидан шартномаларни тузиш, уларнинг мазмунини белгилаш жараёни фаол иштирокчиларига айланиши тақозо этиларди. Контрагентлар томонидан шартномаларни тўғри бажариш, шу жумладан шартнома мажбуриятлари бузилиши оқибатида корхонага етказилган зарарни ҳуқуқий воситалар орқали қопланишини таъминлашда юридик хизматнинг аҳамияти ортди.

органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори ҳуқуқий ишни янада такомиллаштиришга бағишланган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарор давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизация қилишда юридик хизматнинг роли ва масъулиятини кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Шунингдек, мазкур ҳужжат билан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлари юридик хизмати тўғрисидаги низомлар¹ тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мазкур органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг юридик хизматлари томонидан қарор талабларига риоя қилиши устидан тегишли назорат ўрнатиш топширилди².

Шу билан бирга, қарорда белгиланган қоидалар юридик хизмат мақомини аниқлаштирган³ ва юридик хизмат ходимлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат тўғрисидаги Низом ҳамда Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355- модда; 2012 й., № 37, 429-мод.; 2013 й., № 50, 650-мод.; 2015 й., №23, 302-мод., (ҳужжат кучини йўқотган, 10.05.2017 й.), <http://lex.uz/ru/docs/1240677>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарорининг 2-банди//<https://lex.uz/docs/1240679>

³ Масалан, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари тўғрисидаги Низомда юридик хизматларнинг давлат органи фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган (жорий этилган) мустақил тузилмавий бирликлар (ёки лавозимлар) сифатидаги махсус ҳуқуқий мақомини назарда тутадиган қоидалар ўрнатилиб, давлат органларида ва ташкилотларда юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ёки битта бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт штат бирлигини киритиш орқали юридик хизматни ташкил этиш имконияти яратилди. Шунингдек, юридик хизмат бевосита давлат органи раҳбарига бўйсунishi белгиланди. Бундан ташқари, мавжуд юридик хизмат штат бирликларини қисқартириш ёки уларни давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларига тақсимлаш тақиқланди (Низомнинг 2-банди).

функционал вазифаларини кенгайтирган¹ ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг қарорнинг талабларига риоя этиш ва юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун шахсан жавобгар эканлиги норматив тарзда мустақкамлаб қўйилган².

Бироқ, мазкур чораларга қарамай, бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал этилмаганлиги боис, юридик хизматларнинг фаолияти етарли даражада самарали бўлмасдан келаётган эди. Хусусан, юридик хизматларни тузиш тартиби, уларнинг штат бирликларини аниқлаш нормативлари ва мезонлари мавжуд эмаслиги сабабли, турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматнинг ташкилий-штат тузилмасини мақбул тарзда белгилашга имкон бермас эди.

Шу билан бирга, юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича самарали иш юритиш йўлга қўйилмасдан қолаверди. Ушбу соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари томонидан аниқланган камчиликларни ва қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш билангина чекланарди.

¹ Тегишли ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматлари олдига юсак касбий даражани талаб этадиган янги вазифалар вужудга келди. Хусусан, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмати тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига асосан давлат органи юридик хизматининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: 1) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида иштирок этиш; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш; 3) давлат органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказишда иштирок этиш; 4) давлат органи ва унинг тизимидаги кирадиган тузилмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш; 5) давлат органининг шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда иштирок этиш; 6) судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш. Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун юридик хизматлар ҳуқуқлари доираси ҳам сезиларли равишда кенгайтирилди (Низомнинг 13-банди), бу ўз навбатида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни оширишга ёрдам бериши лозим эди.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарорининг 2-банди // <https://lex.uz/docs/1240679>

Жумладан, адлия органлари томонидан ўтказилган юридик хизматлар фаолиятини ташкил этиш таҳлили шундан дарак берар эдики, давлат бошқаруви тизимида қонунийликни таъминлашнинг ички идоравий механизмлари ташкил этилмагани – ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича эса таклифларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган¹. Шунингдек, юридик хизматлар давлат органлари фаолиятида қонунийлик аҳволини ўрганиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича мустақил чора-тадбирларни кўрмас эди.

Бундан ташқари, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминоти даражаси ушбу соҳага олий юридик маълумотли, катта амалий тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб қилишга имкон бермас, бу эса ўз навбатида бу юридик хизматлар ишининг сифатига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмасди.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича давлат органларида юридик хизматни ташкил этиш нормативлари ва у ёки бу ташкилий шаклда штат бирликларни жорий этиш мезонлари мавжуд эмаслиги, юридик хизмат ходимлари малакасини оширишни мажбурийлиги таъминланмай қолиши, давлат органлари юридик хизматлари томонидан уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари ва механизмлари мавжуд эмаслиги, шунингдек юридик хизмат ходимлари уларга хос бўлмаган вазифалари ва топшириқларни ижро этиш учун жалб этиш (турли комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ҳужжатларини расмийлаштириш, даврий нашрларга обуна бўлишни ташкил этиш)

¹ Ушбу соҳадаги иш муайян вақт (ҳар 1,5–2 йил ичида) ташқи назорат ва назорат органлари томонидан ўтказилган текширув ва мониторинглар натижалари бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ҳақида киритилган тақдимномалари бўйича чоралар кўриш билан чекланади. Натижада, давлат органларида ҳуқуқбузарликлар сони қисқармасдан, аксинча ортиш тенденцияси кузатилди. Жумладан, агар 2008 йилда адлия идоралари томонидан 187 мингта қонунбузилишлар қайд этилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 331 мингга ташкил этди. Мисол учун, тизимли равишда ноқонуний идоравий қарорлар аниқланган – 2010 йилда бундай қарорларнинг 18 таси, 2011 йилда – 10, 2012 йилда эса – 23 таси бекор қилиниши таъминланди. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этиш бўйича бош бошқармасининг таҳлилий маълумотномалари тўплами, 2013 йил. (Чоп этилмаган).

соҳада мавжуд муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида кўрсатилди.

Шу муносабат билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли ва масъулиятини изчил равишда мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2733-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарори қабул қилинди¹. Ушбу ҳужжатлар юридик хизматнинг ваколатларини кенгайтириш ва умумий жиҳатдан унинг роли оширилишини таъминлашга қаратилди².

Хусусан, мазкур қарорлар билан юридик хизматларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва моддий-техника таъминоти кучайтирилди, давлат органлари юридик хизмати ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор самарали чоралар белгиланди³, шунингдек, Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/3098964>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 323-мод.; Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 14.02.2018 й., №09/18/107/0697, <https://lex.uz/docs/3189363>

² Ушбу қарорларда давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши лозимлиги, шунингдек юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

³ Ушбу чора-тадбирлар ичида юридик хизмат ходимига адлия органлари ходимлари учун ўрнатилган, даражали унвон бериш ва узоқ муддатли хизмат учун устамалар белгилаш, давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат қилувчи органларга ўтишда, юридик хизмат ходими сифатида меҳнат стажини даражали унвон ва узоқ муддатли хизмат учун устама ҳақини ҳисоблаш учун тан олиш; юридик хизмат ходимларини уларга хос бўлмаган вазифаларни бажариш учун жалб этишни тақиқлаш билан боғлиқ ва ҳоказо чораларни алоҳида ажратиш мумкин. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарор 2-банди.

низом¹ тасдиқланди, унда юридик хизмат ходимлари функционал вазибалари сезиларли даражада кенгайтирилди ва қўшимча ҳуқуқлар берилди². Бундан ташқари, юридик хизматларнинг ҳуқуқ³ ва мажбуриятлари доираси кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017–2019 йиллардаги статистик маълумотлари ва аудит материалларининг таҳлили, давлат бошқаруви органларининг юридик хизматлари давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича ҳуқуқий имкониятлардан ҳанузгача тўлақонли фойдалана олмаётганлигини кўрсатади⁴. Бунда, ушбу соҳадаги иш адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг қонунбузилиши ҳолатларини, уларни келтириб чиқариш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳақидаги тақдимномалари бўйича чоралар кўриш билан чекланади. Натижада, давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик юридик хизматлар томонидан эмас, балки ташқи контроль ва назорат механизмлари (қоида тариқасида, адлия органлари ва прокурор назорати) томонидан таъминланади⁵.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарор билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом, <https://lex.uz/docs/3098964>

² Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 16-бандида фаолиятнинг ушбу йўналишларини амалга ошириш учун юридик хизматларнинг 38 та асосий функциялари белгиланган. Шунингдек, Низомнинг 17-банди кўра, юридик хизмат ва унинг ходимларига Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилиши тақиқланган.

³ Масалан, юридик хизмат давлат органи ва ташкилотида, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда қатнашиш; талабнома-даъво тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган маблағнинг 5 фоизи, бироқ қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,5 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши ҳуқуқига эга.

⁴ Жумладан, 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 31 та республика ва маҳаллий даражадаги давлат органларида 10 та мониторинг ва 20 та текширув ўтказилиб, улар давомида 25,4 минг қонун бузилиши ҳолатлари, шу жумладан 456 та тизимли қонун бузилишлар аниқланган. Агар 2017 йилда адлия органлари томонидан 187 минг қонун бузилишлар қайд этилган бўлса, 2019 йил якунларига кўра ушбу кўрсаткич 331 мингдан ошди.

⁵ Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, ташқи назорат ва контроль муайян вақтларда текширишлар, ўрганишлар, таҳлил ва мониторинг ўтказиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таклифлар тайёрлаш орқали амалга оширилади. Улар, табиийки, даврий равишда ўтказилиб, бир ташкилотга нисбатан доимий равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Шу билан бирга, амалда ҳар бир органда назорат ва контроль чоралари икки йилда бир

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, соҳада ўтказилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили давлат бошқаруви органларида юридик хизматни ташкил этиш моделининг умумий салбий хусусиятлари сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Қуйида биз давлат бошқаруви органларининг ва умуман ижро этувчи ҳокимиятнинг функционал вазифаларини юридик жиҳатдан таъминлашда тизимли "носозлик"ларга олиб келадиган энг жиддий нуқсон ва камчиликларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Биринчидан, давлат органлари фаолиятида уларнинг юридик хизматлари томонидан қонунийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ шакллар ва механизмлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, адлия органлари томонидан ўзаро алоқа механизмларидан фойдаланган ҳолда, юридик хизматлар ишини режалаштириш ва бошқаришга асос бўладиган, юридик хизматларни тақдим этишнинг сифат стандартлари ишлаб чиқилмаган.

Иккинчидан, оммавий равишда субъектив мақсадга мувофиқлик принципи қонунийлик принциpidан устун туради. Хусусан, давлат бошқаруви органлари (ва уларнинг бўлинмалари) устидан раҳбарлик, биринчи навбатда, қўйилган вазифани ҳал қилишга интилиб, уни ҳал қилиш учун ҳар доим ҳам қонунга мос келадиган йўл танланмайди ва юристлар – юридик хизматлар ходимлари фикрларини тинглашмайди.

Учинчидан, юридик хизмат ходимларининг давлат бошқаруви органлари раҳбарларига хизмат бўйича бўйсунуши туфайли юрисконсултлар хизмат давомида муаммо бўлишидан хавфсираб, ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига лозим даражада мос келишини талаб қилишмайди.

Тўртинчидан, республика давлат бошқаруви органларининг юридик хизматлари улар томонидан тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатига етарлича эътибор бермаяпти.

Бешинчидан, давлат бошқаруви органлари бўлинмалари юристлари ва юқори турувчи давлат бошқаруви органларининг юридик хизматлари ўртасида мажбуриятларнинг аниқ тақсимоли мавжуд эмас. Бундан ташқари, юридик хизмат ходимларини уларга тегишли бўлмаган вазифалар ва топшириқларни бажаришга (турли комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳ.к.) жалб этиш сақланиб қолган.

Шу сабабли давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати тизимини ислоҳ қилиш зарурати юзага келиб чиқди. Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият ривожланган давлатларда давлат органлари фаолиятида қонунийлик, энг аввало, давлат органларининг махсус тузилмалари (Юридик бошқарма, Инсон ресурслари, ҳуқуқий масалалар ва аудит бўйича бошқарма, Мувофиқлаштириш ва режалаштириш бўйича бошқарма) амалга оширадиган ички идоравий назорати ҳисобига таъминланади. Масалан, Германияда юристлар ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш билан шуғулланиш баробарида идоралар ва корхоналар фаолиятида қонунийликни таъминлайди. Уларнинг асосий вазифалари барча ҳукумат фармойишларини узлуксиз ижросини таъминлаш, маъмурий интизомни ушлаб туриш, коррупциядан холи ҳокимият аппарати шаклланишини рағбатлантириш, давлат бошқаруви сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат¹. Германияда ҳуқуқий ишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг қисқача шарҳи юрисконсультларнинг, ҳуқуқий ишнинг махсус субъектлари сифатидаги фаолияти хусусиятларини кўрсатади.

¹ Қаранг: Германия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар вазирлиги расмий сайти https://www.bmas.de/SharedDocs/Downloads/DE/Thema-Ministerium/bmas-organigramm.pdf?__blob=publicationFile&v=19.

Франция давлат бошқаруви органларида (маҳаллий, миллий органлар, вазирликлар, идоралар ва бошқалар) ҳам юридик хизматлар мавжуд. Улар ушбу органлар ўз фаолиятини қонун доирасида амалга оширишга кўмаклашадиган малакали юридик ёрдам бериш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат манфаатларига зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишини олдини олиш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишга йўналтиради.¹ Юридик хизматлар тузилмаси, ходимлар сони, уларга қўйиладиган талаблар, юридик хизматлар роли ва ваколатлари ушбу орган фаолиятининг характери /кўлами/ соҳасига қараб ўзгаради².

Испанияда юридик хизматлар – бу давлат муассасалари бошқарув аппаратининг алоҳида таркибий тузилмалари (департаментлар)дир. Юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат –бу "Давлат ташкилотларининг юридик регламенти ва умумий маъмурий процессуал тартиби тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади³. Ушбу Қонун талабларига биноан юридик хизмат ходимлари ўзлари хизмат кўрсатаётган давлат муассасалари ва идоралари ходимлари сифатида ҳуқуқий маслаҳат бериш фаолияти билан ҳам шуғулланади⁴. Юридик департамент бошлиқ ва одатда иккита

¹Қаранг: Рубинский Ю. Государственная служба Франции. <file:///C:/Users/user/Downloads/gosudarstvennaya-služba-frantsii.pdf> Бородин С.В. Реформа адвокатуры во Франции: исторический опыт <file:///C:/Users/user/Downloads/reforma-advokatur-vo-frantsii-istoricheskiy-op-t.pdf>; Kalliopi Kerameos/ Joanna Wielgosz. Der Rechtsanwalt in Frankreich. http://legalprofession.uni-koeln.de/fileadmin/user_upload/Frankreich/derrechtsanwaltinfrankrei-ch.pdf

² Масалан, ваколат доирасига, жумладан, турли хил ер ҳуқуқларига оид рухсатномаларни ўрганиш / бериш, фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ бўлган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, суғурта, суд жараёнлари ва ҳоказолар кирадиган шаҳар мэриялари юридик хизмати ходимлар сони 2 дан 10 нафаргача бўлиши мумкин. Вазирликлар юридик хизматлари / департаментларида ходимлар сони 10 дан 40 нафаргача, баъзи ҳолларда 50 кишидан ҳам ортиши мумкин. Қаранг: Der Rechtsanwalt in Frankreich.http://legalprofession.uni-koeln.de/fileadmin/user_upload/Frankreich/der_rechtsanwalt_in_frankreich.pdf

³ Ley 30/1992 «Régimen Jurídico de las Administraciones Públicas y del Procedimiento Administrativo Común» (Boletín Oficial del Estado Nr. 285 vom 27.11.1992). Шунга қўшимча: Beiträge in Willi Blümel (Hrsg.), Das spanische Verwaltungsrecht nach dem Reformgesetz von 1992 (= Speyerer Forschungsberichte, Bd 158), Speyer 1996; jüngst in deutscher Sprache Oriol Mir Puigpelat, Das Verwaltungsverfahren in Spanien: Eine Einführung, in: DÖV 2006, S. 841–848.

⁴ Ҳар бир давлат органи (муассасаси) юридик департаментининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда ички ҳуқуқий ҳужжатларни қабул

юрисконсултдан иборат бўлиб, уларга муайян турдаги ҳуқуқий ишларни бажариш вазифаси юклатилади. Шунингдек, юридик департаментда иқтисодчилар ва техник ходимлар ҳам ишлаши мумкин.

Олий юридик маълумотга эга, идоранинг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш бўйича зарур кўникма ва билимларга эга бўлган, шунингдек юриспруденция соҳасида катта тажрибага эга бўлган ходимлар давлат идораси юрисконсулти бўлиш ҳуқуқига эга¹.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган Канада ҳуқуқий тизимида давлат юридик хизматини ташкил этиш ва фаолият юритиши моделининг асосий хусусияти шундаки, барча юридик хизматлар (айрим истиснолардан ташқари)² давлатнинг ягона ҳуқуқий сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш учун Адлия вазирлигида жамланган.³ Ушбу моделнинг ташкилий афзалликлари кадрларни танлаш ва малакасини оширишнинг умумий стандартларидан фойдаланиш, юристлар хизматларига ҳақ тўлашда янада шаффофлик ва одилликни таъминлашга имкон беради. Юридик хизматни марказлаштиришнинг мазмун жиҳатидан афзаллиги сифатида шундай ҳолатни кўрсатиш мумкинки, бунда

қилинишини ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш, раҳбариятга иқтисодий ва ижтимоий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар бериш; фармойиш шаклидаги лойиҳаларни ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш учун киритишдан аввал уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш; таркибий департаментлар ички муносабатларини тартибга солувчи буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш; бошқа таркибий департаментлар билан бирга буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар тузиш, шунингдек ҳужжатларга ўзгартишлар киритилиши ёки кучини йўқотган ҳужжатлар бекор қилинишини назорат қилиш; қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ва ҳисобини юритиш; муайян ҳужжатнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эканлигини назорат қилиш ва у ёхуд бу ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида идора раҳбариятига тегишли маълумотни тақдим этиш; ҳуқуқий билимлар даражасини ошириш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериш. Қаранг: "Давлат ташкилотларининг юридик регламенти ва умумий маъмурий процессуал тартиби тўғрисида"ги Қонун (Ley 30/1992 «Régimen Jurídico de las Administraciones Públicas y del Procedimiento Administrativo Común») (Boletín Oficial del Estado Nr. 285 vom 27.11.1992).

¹ Beiträge in *Willi Blümel* (Hrsg.), *Das spanische Verwaltungsrecht nach dem Reformgesetz von 1992* (= Speyerer Forschungsberichte, Bd 158), Speyer 1996; jüngst in deutscher Sprache Oriol Mir Puigpelat, *Das Verwaltungsverfahren in Spanien: Eine Einführung*, in: DÖV 2006, S. 841–848.

² Истиснолар мудофаа, ички ва ташқи ишлар вазирликлари фаолиятида давлат сирларига оид масалалар билан боғлиқ.

³ Қаранг, масалан: Report of the Royal Commission on Government Organization, Volume I: Management of the Public Service. Ottawa: Queen's Printer, 1962. P. 19.; McLeod T. H. Glassco Commission Report // Canadian Public Administration. 1963. Volume 6, Issue 4. P. 386–406.

асослантирилган ҳуқуқий позицияни шакллантириш учун шароитлар яратилади.

Шу билан бирга, давлат юридик хизмати монополияси Адлия вазирлигига бутун мамлакат миқёсида давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг бўлинмалари билан "бир овоздан" сўзлашишга имконият беради. Бунда, Адлия вазирлиги тизимида ишлайдиган юристларнинг аксарият қисми Адлия вазирлиги ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари биноларида бўлмайди. Уларнинг иш ўринлари бевосита турли вазирликларда ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида жойлашган¹.

Канадада қонунчилик ҳужжатларини лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам диққатга сазовор. Ҳар қандай даражадаги ижро ҳокимиятидан келиб чиқадиган барча ташаббуслар, қонун лойиҳаси матн шаклида Канада Адлия вазирлиги ходимлари томонидан расмийлаштирилади.² Бу қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар сифатини сезиларли даражада ошириш, шунингдек, уларни қўллашда зиддиятларни олдини олишга имкон беради.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликка биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш учун масъул бўлган асосий давлат бошқаруви органи ҳисобланади³. Шунингдек, ҳозирги кунда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда марказлашув тенденцияси доирасида адлия органларига тобора катта ва масъулиятли вазифалар юкланиб бормоқда. Шу муносабат билан, ижро этувчи ҳокимият органларининг умумий вазифаларини инобатга олган ҳолда, ижроия ҳокимияти тизимига кирувчи барча давлат органларининг, шу жумладан маҳаллий ижро ҳокимияти

¹ Қаранг. *Кабышев. С.В.* Канадская модель государственной юридической службы и ее адаптация в России. // Ленинградский юридический журнал. – №1. – 2014 год. – С. 98-109.

² *Кабышев С.В.* Канадская модель государственной юридической службы и ее адаптация в России. // Ленинградский юридический журнал. – №1. – 2014 год. – С. 102.

³ <https://lex.uz/docs/3681790>

органларининг ҳуқуқий ишлари Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ходимлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5997-сон Фармонининг 10-бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 561-сон қарори билан давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳри, Марҳамат ва Қарши туманларида эксперимент тариқасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказларини (кейинги ўринларда – Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари) ташкил этиш кўзда тутилди. Ушбу норматив -ҳуқуқий ҳужжат билан Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари бюджетдан молиялаштириладиган туман (шаҳар) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилиши ҳамда тегишли ташкилотда қонун ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириши белгиланди. Синов тариқасида жами 23 та давлат органи ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларига юридик хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти Адлия вазирлиги тизимида йўлга қўйилиб, ўзининг ижобий самарасини кўрсатгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон қарорига асосан “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб¹, мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини, айниқса ўрта ва қуйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга юридик хизмат кўрсатиладиган

¹ <https://lex.uz/docs/5482934>

ташкilotларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш, ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилиш, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг лойиҳаларидаги коррупциявий омилларни бартараф этишга кўмаклашиш каби бир қатор муҳим вазифаларни бажаришга қаратилган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Президент қарори¹ билан 2022 йил 1 августдан бошлаб эса Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида юридик хизмат билан таъминланмаган давлат органлари ва ташкilotларининг қуйидаги туман (шаҳар) бўлинмаларига: маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, қишлоқ хўжалиги бўлими, туризм ва маданий мерос бўлими, спортни ривожлантириш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими, ёшлар ишлари агентлиги бўлими, давлат солиқ инспекцияси, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, давлат умумӣ ўрта таълим мактаблари, давлат мактабгача таълим ташкilotлари ҳамда давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларга юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш тўғрисидаги Адлия вазирлигининг таклифи маъқулланди.

Юридик хизматнинг бундай янги моделини Ўзбекистон ҳуқуқий амалиётига жорий қилиш келгусида ҳуқуқий ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, фаолиятнинг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, юрисконсультлар учун касбий ўсиш имкониятларини кенгайтириш, барча турдаги вазифаларни амалга оширишда изчиллик ҳамда уйғунликка эришиш ва албатта, бюджет харажатларини мақбуллаштиришга замин яратди.

¹ <https://lex.uz/docs/5914991>

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юридик хизматларни ушбу форматда марказлаштириш орқали такомиллашуви, юқори сифатли хизматларни таъминлаш ва юридик хизмат кўрсатиш миллий амалиётининг шаклланишига зарур ҳуқуқий асосларни яратади.

**MAXMUDOV FIRUZ
BAHTIYOR O'G'LI**

Toshkent davlat yuridik universiteti
huzuridagi Yuridik kadrlarni xalqaro
standartlar bo'yicha professional o'qitish
markazi direktori o'rinbosari, Yuridik
fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА МИСОЛИДА

***Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги мавжуд тартиблар, юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш ва юридик хизмат ходимларини тайёрлаш соҳасидаги амалиёт илмий-назарий, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.*

Юридик хизмат кадрларини тайёрлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, Сингапур, Япония, Грузия ва Корея тажрибаси асосида юридик кадрлар тайёрлаш борасидаги масалалар муҳокама қилиниб, мамлакатимизга татбиқ этишга қаратилган механизмлар таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар:** юридик хизмат, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, юрисконсульт, ҳуқуқий билимларнинг етти асоси, professional motivation, Сингапур, Япония, Грузия ва Корея тажрибаси, юридик маслаҳат.*

Бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш, хусусан юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро стандартлар бўйича, интенсив

Ўқитиш дастурлари асосида уларни ўқитишни ташкил этиш давлат ва жамият бошқарувининг асосий фаолият йўналишларидан бирига айланмоқда. Қайд этиш керакки, бугунги меҳнат бозорида фаолият йўналишлари ўзгариб, юридик хизмат кўрсатишга нисбатан талаб ва таклифнинг ортиб бораётганлиги бу соҳада ҳам манзилли ислохотларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида ҳам кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш вазифаларининг белгиланганлиги ҳам бу соҳада кадрлар тайёрлаш масаласида қатор ислохотларни давом эттиришни, хорижий мамлакатларнинг тажрибалари асосида юридик хизмат кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва мазкур фаолиятнинг жозибадорлигини оширишни назарда тутди¹.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда, мамлакатимизда олий таълим даражасида айнан юридик хизмат тизими учун мақсадли кадр тайрлаш тизими етарлча йўлга қўйилмаган ва битирувчилар асосан адвокат, прокурор, судья, нотариус, терговчи каби касб ва лавозимлардан кейингина бу соҳада ишлаш учун мурожаат қилади. Лекин бу соҳада катта меҳнат бозори вужудга келганлиги нафақат давлат секторида, балки юқори лавозим ва маош таклиф қилаётган хусусий сектор учун ҳам юридик хизмат кўрсатувчи кадрларни мақсадли ва манзилли тайёрлаш заруратини юзага келтиради. Масалан, Японияда юридик кадрлар тайёрлаш тизими ўта тартибли таълим тизими ва ихтисослашувга, ягона юридик имтиҳон топшириш тизимига асосланади. Японияда юридик хизмат соҳаси асосан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.

юридик ёрдам кўрсатиш, яъни юридик хизматларни амалга ошириб бериш билан боғлиқ. Японияда судья, прокурор, юрист ва адвокат бўлишни истаган талабгорлар ҳар йили 1 марта ягона малакавий имтиҳон топширади¹. Шу нуқтаи назардан, фикримизча юридик таълимни амалга ошираётган барча олий таълим муассасаларида **юридик хизмат фаолияти бўйича юридик кадрлар тайёрлаш** тизимини йўлга қўйиш лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низомга асосан юридик хизмат бошлиғи, юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин². Бугунги кунда Адлия вазирлиги тизимида юридик техникумларда юридик хизмат мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган, аммо юқоридаги низомда техникум битирувчилари фақатгина юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлашлари мумкинлиги белгиланган. Уларда техникумдаги ўқиш давомида базавий маълумот шаклланишини нуқтаи назаридан Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган **қайта тайёрлов курсларига ўқиш учун имконият бериш** ва диплом асосида юридик хизматнинг барча лавозимларида ишлаш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Бу кадрни манзилли ва мақсадли тайёрлашга, пул, ресурс ва вақтни

¹ Хирао Кодзи, «О системе подготовки юристов в Японии и ее целях». Вестник Санкт-Петербургского университета. 2018. Право 4: 593–604.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда

тежашга, пировардида эса техникумдаги ўқишининг натижадор бўлишига олиб келади.

Қайд этиш керакки, бугунги глобаллашув, инвестицион ва бизнес муҳити шароитида амалдаги ва йиллар давомида шакллантирилган юридик хизмат тизими фаолияти модернизациялашоқда. Энди юристлар ташкилот манфатларини судда ҳимоя илиш ёки ҳужжатлар билан ишлаш ёхуд корхона меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни кўриш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш (шартнома аговорка масалалари), инвестициялар, юридик рискинни баҳолаш, давлат харидларини тартибга солиш ва бошқа замонавий йўналишларда ҳам фаолият олиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, кадрлар тайёрлаш жараёнини умумийликдан хусусийликка қаратиш, ихтисослаштириш, юқоридаги каби **турли йўналишларда таълим бериш** тизимини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланган юридик хизмат фаолияти асосан хизматни ўташ (служба) мазмунида шаклланган. Лекин жаҳон амалиётида бу каби фаолият аллақачон хизмат кўрсатиш (услуга) тизимига ўтган. Хусусан, Япония, Грузия, Сингапур, Корея мамлакатларида юридик хизмат асосан хизмат кўрсатиш мазмунида ривожланган. Масалан, Грузияда юридик хизмат ходимлари асосий фаолияти қуйидаги хизматларга қаратилган:

Грузиядаги компаниялар (МЧЖ), ваколатхоналар ва филиалларни рўйхатдан ўтказиш;

Грузиядаги корпоратив муаммоларни ҳал қилиш;

Грузияда солиқ экспертизаси ва маслаҳат;

Шартномаларни ишлаб чиқиш;

Грузия қонунчилиги бўйича ёзма ҳуқуқий хулосалар тайёрлаш;

Грузиядаги божхона масалалари бўйича маслаҳат;

Грузиядаги компанияларни тугатиш;

Грузиядаги тендерларда иштирок этишни қўллаб-қувватлаш;

Грузияда лицензиялар/рухсатномалар олиш;
Грузиядаги бизнесни қўллаб-қувватлаш хизматлари;
Шу билан биргаликда, юридик хизмат ихтисослашуви ҳам
мавжудлигини қайд этиш лозим:

Ҳужжатларни тайёрлаш хизматлари;
Шартнома тузиш хизматлари;
Интеллектуал мулк;
Суд жараёнлари ва низоларни ҳал қилиш хизматлари;
Молиявий ва юридик маслаҳат;
Ишончнома ва вакиллик;
Лицензиялар ва рухсатномалар;
Солиқ ҳуқуқлари;
Корпоратив бошқарувни қўллаб-қувватлаш¹.

Тадбиркорлик ва бизнес муҳитининг янада
ривожланаётганлиги нуқтаи назаридан хусусий сектордаги юридик
хизмат ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда
давлат дастури асосида **барча кадрлар қамраб олинмаган**. Мавжуд
давлат таълим муассасаларида эса асосан давлат сектори
кадрларига асосан эътибор қаратилган. Шу сабабли, ихтисослашув
асосида, маълум талаб ва таклиф асосида масалан, **кадрларни
бошқариш, ҳужжатлар экспертизаси, ҳужжатлар тузиб бериш,
корпоратив бошқарув, коррупцияга қарши курашиш, ISO
сертификати, рақобат ва реклама қонунчилиги, бизнес бошқарув
ва бошқа йшналишлар асосида юридик хизмат ходимлари учун курс
ва модуллар яратиш, шунингдек юридик хизмат ходимларини
малака ошириш бўйича нодавлат ўқув марказларини** ташкил қилиш
мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, юридик хизмат ходимларини тайёрлашда
фундаментал билимлар билан бир қаторда таҳлилий ва танқидий
фикрлаш, стратегик режалаштириш, рискни баҳолаш, корпоратив

¹ <https://accounting.jara.ge/services/legal-services-in-georgia/>

маъданият ва бошқа замонавий кўникмаларни эгаллашларига қаратилган дастурларни жорий этиш лозим. Масалан, Буюк Британияда юридик кадрларга нисбатан назария ва амалиёт узвийлиги таъминланган ва улар назарий билим билан бир қаторда қуйидаги **“ҳуқуқий билимларнинг етти асосини”** ва қўшимча равишда баъзи бир асосий кўникмаларни билиш талаб қилинади:

- мантиқий фикрлаш;
- тегишли фактик маълумотларни мунтазам бошқариш;
- матнларни онгли, танқидий тушуниш;
- инглиз тилини мукамал билиш;
- тушунарли, изчил ишонарли нутқда оғзаки ва ёзма мулоқот қилиш;
- ҳуқуқий матнлар ва ахборотларни, шу жумладан ахборот технологияларини олиш, баҳолаш ва қўллаш бўйича компетенцияга эга бўлиш¹.

Яна бир муҳим масала, бу юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, ўқитишда ўқув режа ва дастурлар масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда юридик кадрлар тайёрлашда умумий тенденция мавжуд бўлиб, юридик хизмат ходимлари ҳам юриспруденциянинг умумий фанларини ўқитиш доирасида тайёрланмоқда. Лекин ихтисослашув, замонавий йўналишлар, хизматлар кўрсатиш масаласи нуқтаи назаридан меҳнат бозорида зарур бўлган модулларни ўқув жараёнига киритиш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Масалан, **Японияда** ягона имтиҳон тизими доирасида юридик кадрларга банкротлик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, инвестиция, рақобат ҳуқуқи, реклама, ҳужжатлар экспертизаси каби фанлар ҳам киритилган. **Жанубий Корея** юридик хизматида мақсадли равишда солиқ, патент, божхона соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш тизими ҳам

¹ Rekosh E. The Development of Legal Clinic Teaching: A Global Perspective in The Legal Clinics: The Idea, Organization, Methodology. Warsaw, 2005.

йўлга қўйилган. **Сингапурда** ўқув жараёнларида эса умумий юридик фанлар билан бир қаторда компания ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ, денгиз ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, далиллар тўғрисидаги қонун, ер қонуни, Сингапур ҳуқуқ тизими ўргатилади¹.

Шу сабабли, хорижий тажриба ва мавжуд амалиётни инобатга олган олган ҳолда, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда кадрлар бюртмачилари талаб ва таклифларини инобатга олиш лозим. Уларнинг таклифлари асосида кадр тайёрлаш, мавжуд ихтисослашув асосида мақсадли ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, ўқув режа ва дастурларда дарс соатларининг катта хажмини, масалан, **60 % амалиётга йўналтириш** мақсадга мувофиқ. Масалан, Японияда малакавий имтиҳондан ўтган шахсга Юридик тадқиқотлар ва стажировка институтига кириш ва у ерда давлат юридик стажёри сифатида юридик амалиёт ўташга рухсат этилади. Юридик стажировка институтда маърузалар ўқиш ва Япония бўйлаб жойлашган суд, прокуратура ва адвокатлик ва бошқа турли юридик фирмаларда амалий амалиёт ўташдан иборат. Юридик стажировкада тингловчилар мижозлар билан учрашувларда иштирок этадилар, даъво аризаси ва бошқа ҳужжатларни ёзма равишда тайёрлашади, адвокатлар билан бир қаторда фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқишда иштирок этадилар. Улар адвокатлар билан биргаликда тергов изоляторларида гумон қилинувчи ёки судланувчилар билан учрашиш ҳуқуқига эга. Амалий машғулотлар юристлар тайёрлашнинг энг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади.

Сингапурда эса юридик хизмат кадрини тайёрлашда юридик маълумот билан бир қаторда 6 ойлик тайёрлов курсини тамомлаш (Сингапур Бар имтиҳонлари курси) ва Сингапур адвокатлик имтиҳонларининг Б қисмини топшириш, амалиёт ўқитиш

¹ https://ru.wikibrief.org/wiki/Singapore_Legal_Service

шартномасини амалга ошириш орқали 6 ойлик амалиётни якунлаш каби талаби мавжуд.

Таъкидлаш ўринлики, юридик хизмат фаолиятига кадрларни жалб этишда давлат секторида иш ҳажмига нисбатан ойлик маошнинг камлиги, масъулият ва жавобгарлик, ҳисобдорлик масалалари ёш кадрларнинг хусусий секторда кўпроқ фаолият юритишига сабаб бўлмоқда. Аслида, хусусий секторда ҳам битирувиларнинг иш фаолиятини олиб бориши бандликни таъминлаш, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши билан давлат учун тенг манфаатли бўлса-да, келажакда малакали кадрларнинг давлат ва хусусий сектордаги мувовзанатига салбий таъсир қилиши мумкин. Бу борада мувовзанатни таъминлаш мақсадида давлат тизимидаги юридик хизматнинг жозибадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Сингапурда, юридик хизмат фаолиятини такомиллашуви адвокат мақомини олишга ҳам боғлаб қўйилган, масалан юридик хизмат ходими сифатида 36 ой ишлаган шахс адвокат бўлишида имтиёзли механизмлар яратилган.

Статистик нуқтаи назаридан, бугунги кунда Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этилган олий маълумотли шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари битирувчиларининг аксарияти хусусий секторда ишламоқда ва буни афзал кўрмоқда. Сўровнома натижаси бўйича эса, давлат тизимида ўртача 3-4 миллион сўм ойлик олгандан кўра хусусий секторда 2-3 та ташкилотнинг юридик хизматида меҳнат фаолиятини олиб бориб ўртача 10-12 миллион сўм даромад қилишни аксарият кадрлар афзал кўрмоқда.

Жозибадорликни оширишда эса турли механизмларни жорий этиш мумкин, жумладан хорижий мамлакатларда қўлланиладиган **“Professional motivation”** тизими самарали бўлади. Яъни юридик

хизмат ходимининг меҳнати эвазига судлар ва турли ташкилотлар орқали ундириладиган қарздорликларнинг маълум фоизларини юридик хизмат ходимларини мукофотлашга йўналтириш мумкин. Аслида мазкур амалиёт мамлакатимизда мавжуд бўлса-да, ижро нуқтаи назаридан муаммолар бор ёки хусусий секторга нисбатан жуда секин ишламоқда.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясининг 19-мақсад 66-бандида олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ нормалар назарда тутилган. Ўйлашимизки, мазкур ижобий механизмни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотларни юридик хизмат соҳасига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, келажакдаги юридик фаолиятини юридик хизмат билан боғламоқчи бўлган битирувчиларга хусусий ва давлат секторнинг юридик хизматида **ёрдамчи мақомида ишлаш ҳуқуқини бериш** мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим бир жиҳатга эътибор қаратадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори билан тасдиқланган Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомда олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ва юридик маслаҳатчилар ташкилоти штатида турган жисмоний шахс юридик маслаҳатчи сифатида эътироф этилган¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низомга асосан бугунги кунда Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган қайта

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори билан тасдиқланган Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2018 й.

тайёрлов курслари битирувчилари ҳам юридик хизмат фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Лекин юқоридаги ҳужжатда юридик маслаҳатчи сифатида қайта тайёрлаш курси битирувчиларининг ишлашлари мумкинлиги назарда тутилмаган ва бу имконият фақат олий юридик маълумотга эга кадрларга берилган. Шу нуқтаи назардан ўйлаймизки, тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиш асосида қайта тайёрлаш курси битирувчиларига ҳам **юридик маслаҳатхоналар очиш ва юридик маслаҳатчи бўлиб ишлаш** ҳуқуқини норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур.

Хорижий тажриба. Юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Сингапурда юридик хизмат судларда, прокуратурада ва турли давлат вазирликлари ва давлат идораларининг юридик бўлимларида хизмат қилувчи адвокатларнинг (юридик хизмат ходимлари) жамоавий йиғинидир.

Жанубий Кореяда эса юридик касб эгаларини тайёрлаш Европа моделига асосланган. Хусусан, 2017 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқ мактаблари тўғрисида”ги Қонунга асосан кадрлар тайёрлашнинг янги тизимига ўтилган. Шу вақтдан бошлаб юридик касб эгаларини тайёрлаш Таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган Ҳуқуқ мактабларига берилган. Мамлакатда юридик хизмат фаолияти асосан адвокатлар томонидан кўрсатилади ва бу лицензияга эга бўлишни талаб этади. Бундан ташқари, амалиётни бошлаш учун 3 йиллик таълим ва махсус имтиҳондан ўтиш, юристлар коллегиял органи – Корея Бар Ассоциациясига аъзо бўлиш лозим. Корея юридик хизматининг яна бир ўзига хос жиҳати хорижий адвокатлар ва фирмаларга юридик хизматни кўрсатишга рухсат берилганлигидир. 2009 йилда қабул қилинган “Хорижий юридик маслаҳатчилар тўғрисида”ги Қонунга асосан чет элликларга юридик маслаҳатхона ва

ваколатхона очиш орқали мамлакат ҳудудида юридик хизмат фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган.

Грузияда юридик хизмат фаолияти мамлакатнинг 2007 йилда қабул қилинган “Юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонунга асосан тартибга солинади. Мазкур фаолият Юридик ёрдам хизмати ташкилоти томонидан мувофиқлаштирилади. Мамлакатда юридик хизмат адвокат ёки юридик ёрдам фаолиятини кўрсатувчи юридик хизмат компаниялари томонидан кўрсатилади. Юридик хизмат фаолиятига эса асосан юридик маълумотли ва малака имтиҳонини топширган ва стажировкадан ўтган шахслар ишга қабул қилинади. Кадр тайёрлашда эса ўқув дастурлари Европа моделига асосланган. Яъни бозор талабидан келиб чиқиб, тегишли ихтисослашув асосида хизмат кўрсатишга асосланади. Таълим жараёни ҳам айнан шундан келиб чиқиб яратилган дастур асосида олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таҳлил қилинган масалалар, мавжуд муаммоларни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек таҳлил қилинган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида, масалан, Грузиядаги каби махсус “Берул юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун асосида юридик хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқади.

**АЛИМОВ ҒАЙБУЛЛА
АЛИМОВИЧ**

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Академияси доценти, юридик фанлар
номзоди

ЮРИСТ КАДРЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРА БЕРАДИ

Аннотация: мақолада юристлар касбий ривожланишининг айрим йўналишлари кўриб чиқилади, юристларнинг малакасини ошириш шакллари таҳлил қилинади. Муаллифлар, амалдаги қонунчиликга, асосланган ҳолда маълум вақт оралиғида юристларнинг малакасини ошириш мажбурияти назарда тутилганлигини эътироф этади. Хусусан: тингловчилар контингентини ҳисобга олган ҳолда, юристлар учун малака ошириш курсларида ўқитиш фақат декларатив эмас, балки ишбилармонлик алоқаси бўлиши ҳам кераклиги эътироф этилади. Ривожланган ҳуқуқий давлатда юристларнинг малакасини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Замонавий шароитда юристларнинг иш даражаси нафақат олий ўқув юртларида юрист кадрларни тайёрлаш ҳолатига, балки сертификатланган юристконсультларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни белгилашга ҳам боғлиқлиги таъкидланган.

Калитли сўзлар: Юристларнинг малака ошириш маркази, марказ филиали, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқий назария, амалиёт, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги №544-сон Қарори.

Юристконсультлар фаолияти соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг самарадорлиги, қонун ижодкорлигининг илмий асослилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёнида қонун устуворлигига қатъий риоя қилиш кўп жиҳатдан

юрист кадрларнинг касбий ҳуқуқий онги даражасига боғлиқ, демак, малака ошириш орқали ўз билимларини ошириш зарурати туғилади.

Замонавий ташкилотларда қонунчиликдаги сўнгги ва яқинлашиб келаётган ўзгаришлар билан таниш бўлган ваколатли адвокатларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Юристарнинг малакасини оширишнинг асосий мақсади: Қонунчилик соҳасидаги жорий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурлар бўйича билимларни мунтазам равишда янгилаш зарурати; ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида ишда янги усуллардан фойдаланиш зарурати ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослик даражаси сизга касбни яхшилашга имкон берадиган асосий билимларни янгиламасдан узоқ вақт ишлашга имкон бермайди. Таълим муассасалари ёки ихтисослаштирилган марказлар негизида ўтказиладиган юристар учун семинарлар ва малака ошириш курслари замонавий асосларни ўрганишга йўналтирилган.

Кейинги йилларда малака ошириш учун юристар ихтисослаштирилган марказлар ёки таълим муассасаларини танлаш мезонлари қуйидаги параметрларга асосланиши лозим: тажрибали ва юқори малакали ўқитувчиларнинг мавжудлиги, замонавий ўқув материаллари билан таъминланганлиги, тегишли жиҳозларнинг мавжудлиги, катта синф хоналарининг мавжудлиги, дарсларни йўқотмасдан масофадан туриб онлайн тарзда ўтказиш сифатини таъминлаш имконияти.

Бугунги кунда аксарият юристар бир марталик тренинглар, семинарларда қатнашиб, ўз-ўзи малакасини оширишни афзал кўришади. Бу билим даражасига, қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар асосларини ўрганишга ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, уларнинг малакасини сезиларли даражада ошириш ёки тўлиқ таълим олиш учун юрист ихтисослаштирилган ўқув марказига мурожаат қилгани маъқул. Бундай марказ барча соҳалардаги

прогрессив ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда дастурларни ишлаб чиқади. Бундан ташқари, фақат ихтисослаштирилган ўқув курсини тугатгандан сўнг, адвокатга касбий ривожланишни тасдиқловчи ҳужжат сертификат берилади.

Ушбу жиҳатлар иш берувчи ва юристларнинг ўзлари томонидан ҳисобга олиниши керак, уларнинг фаолияти ташкилотнинг ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш воситалари, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, мунтазам равишда ўзгариб турадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини қўллаш зарурати билан бевосита боғлиқ. Юристларнинг малакасини ошириш барча масалалари, ташкилий жиҳатлар ва ҳуқуқий асосларни ўзида мужассам этган амалдаги қоидалар асосида амалга оширилади.

Шу муносабат билан, 2020 йилнинг 8 сентябри куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 544-сонли, “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори юридик соҳадаги кадрларни малакасини ошириш тизимини янада самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган норматив ҳужжат эканлигини эътироф этиш лозим.

Мазкур қарорнинг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш ҳамда Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ҳудудий филиалларини ташкил этиш назарда тутилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан Юристлар малакасини ошириш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси

ҳамда вилоятларда ҳудудий филиалларини ташкил этилиши кадрлар малакасини оширишда муҳим қадам бўлди.

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни Юристар малакасини ошириш марказининг жойлардаги филиалларини ташкил этилишининг бир қатор қулайликлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, Юристар малакасини ошириш марказининг минтақалардаги филиаллари учун йирик университет ва институтларнинг филиаллари фаолиятини ташкил этишдан фарқли ўлароқ алоҳида бино олиш, уни тегишли ўқув мебеллари ва жиҳозлар харид қилишга маблағ сарф этишга эҳтиёж йўқ.

Иккинчидан, филиалларда асосан маҳаллий давлат органлари ходимлари ва ташкилотларнинг юристлари ўқишларини ишлаб чиқишдан ажралмаган ҳолда амалга ошириш имконияти туғилади, айниқса бундан минтақадаги давлат органлари ва ташкилотлари манфаатдор бўлади, чунки ходим ўқиб малакасини ошириш билан бир вақтда ўз вазифасини ҳам бажаришда давом этади.

Учинчидан, филиалда ўқиётган маҳаллий давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари катта шаҳарларда бўлгани каби кўп маблағ ва куч-восита сарф қилмасдан худди пойтахтга ўқиганидек сертификат олиш имкониятига эга бўлади.

Тўртинчидан, Марказнинг минтақаларидаги филиалларида ўқиш боробарида ходим пойтахтга келиб ўқиганига нисбатан анча кам сарф-харажат қилади, яъни меҳмонхона учун, транспорт, озиқ-овқат харажатлари тежалиб, оила бюджети зарар кўрмайди, шунингдек, давлат органи ва ташкилоти ҳам ходимини филиалда ўқишига манфаатдор бўлади, чунки хизмат сафари, йўл ва озиқ овқат харажатлари учун ортиқча пул тўламасдан бу маблағларда бошқа эҳтиёжларга йўналтиради.

Бешинчидан, бугунги кунда Марказнинг илмий салоҳияти республика олий ўқув юртлари ичида анча юқори кўрсаткичга эга.

Бу ерда асосан ҳам назарий, ҳам амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали фан докторлари ва фан номзодлари дарс беради.

Америка таълим ва тараққиёт жамияти (ASTD) ҳисоб-китобларига кўра, яқингача қўшма Штатларда битта ходимни ўқитиш учун ҳар йили тахминан 1500 доллар сарфланади. Ушбу маблағларнинг ярми техник ва касбий ривожланишга сарфланади. Ушбу мавзу бўйича энг сўнгги тадқиқотларда ҳам маҳаллий иш берувчилар томонидан бундай харажатларнинг аниқ миқдори келтириб ўтилмаган. Аммо статистик маълумотларга кўра, масалан, Россиядаги ташкилотлар, муассасалар ва фирмаларининг 63 фоизи ўз ходимларини ўқитиш учун пул ажратади. Россия Федерацияси Олий Иқтисодиёт мактабининг статистик тадқиқотлар ва билимлар иқтисодиёти институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, дунёнинг ривожланган етук мамлакатлари ходимларининг малакасини ошириш ишларига маблағларини аяшмайди. Масалан, АҚШ бу мақсадларга ҳар йили 50 млрд, Буюк Британия 40 млрд, Франция эса 30 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни кўпинча ишчиларнинг малакасини ошириш учун ишларига юборилади.

Бугунги кунда Марказ ўз фаолиятини қарорда келтириб ўтилган янги талаблар асосида ташкил этиб, ишларни барча йўналишлар бўйича янги ўқув дастурлари асосида амалга оширмоқда. Марказда масофавий ўқиш платформаси яратилиб, унда профессор-ўқитувчилар ўз маърузаларини интерфаол педогогик усуллардан унумли фойдаланган ҳолда минтақалардаги тингловчилар эътиборига етказиб келишмоқда. Шунингдек, касб йўналиши бўйича етук ҳисобланган амалиётчи мутахиссислар ҳам ўқув жараёнларига жалб этилиб, малака ошириш жараёнлари имкон қадар амалий мавзулар, турли ситуатив ҳолатлар, кейслар асосида олиб борилмоқда. Кейинги пайтларда Марказ профессор-ўқитувчилари, ходимлари иштирокида ижтимоий тармоқлардаги ЗУМ дастури

асосида ҳам турли машғулотлар, илмий амалий конференциялар, семинар тренинглар ва давра суҳбатлари ҳам ўтказилмоқда. Марказдаги ушбу шарт-шароитлардан фаолияти ташкил этилиши кутилаётган филиалда ўқийдиган маҳаллий давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тўлиқ ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Юқоридагиларга хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи келтириб ўтилган қарори республикамизда малака ошириш тизимини янада самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**ХАКИМОВ ҒУЛОМЖОН
ТУРҒУНПУЛАТОВИЧ**

Юридик фандан номзоди, доцент

НОТАРИАТ СОҲАСИ: СЎНГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари аҳоли учун ҳам, давлат ҳокимияти органлари учун ҳам қатор қулайликлар яратмоқда.

Келинг, буни нотариат соҳаси мисолида кўриб чиқайлик. Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлигини “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимида идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автомат тарзида текшириш механизмининг жорий этилиши билан 2018 йилнинг I чорагидаёқ 47205 та фуқаро ортиқча оворагарчилик ва коғозбозликларсиз кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш имконига эга бўлди.

2018 йилнинг I чорагидаёқ 47205 та фуқаро ортиқча оворагарчилик ва коғозбозликларсиз кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш имконига эга бўлди.

2018 йилнинг 1 февралидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилгани учун давлат божларини UPAУ – универсал электрон тўлов хизмати орқали тўлаш имконияти яратилиб, ҳозирги кунга қадар нотариал ҳаракатлар амалга оширилгани учун 860 миллион сўмга яқин суммадаги давлат божлари UPAУ тизими орқали тўланди.

Нотариал ҳаракатлар амалга оширилгани учун 860 миллион сўмга яқин суммадаги давлат божлари UPAУ тизими орқали тўланди.

2017 йил июль ойидан бошлаб фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида нотариал идораларга электрон

навбатда туриш тизими йўлга қўйилиб, ҳозирги кунга қадар 160 нафар фуқаро Тошкент шаҳар давлат нотариал идораларида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун электрон навбат тизими орқали рўйхатдан ўтди.

2017 йил июль ойидан бошлаб 160 нафар фуқаро Тошкент шаҳар давлат нотариал идораларида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун электрон навбат тизими орқали рўйхатдан ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 123-сон қарори билан нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божи миқдорлари қайта кўриб чиқилиб, автомашиналарни олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи автомашинанинг чет элда ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, бир хил белгиланди ва унинг миқдори ўртача 2-5 маротабага арзонлашди. Натижада 2018 йилнинг I чорагида 2017 йилга нисбатан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимлар 15 фоизга, чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар эса 18 фоизга кўпайди.

2018 йилнинг I чорагида 2017 йилга нисбатан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимлар бўйича Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автототранспорт воситалари 15 фоизга кўпайди. Чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари бўлса 18 фоизга кўпайди.

Шунингдек, уй-жойларни олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи улар жойлашган аҳоли ҳудудига қараб белгиланиб, чекка туман ва шаҳарлардаги уй-жойлар учун давлат божи икки баравар арзонлашди ва бунинг ҳисобига кўчмас мулкларни бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ битимлар 22.4 фоизга кўпайиб, 2017 йилнинг I чорагида 36 660 тани, 2018 йилда эса 47 205 тага етган.

Кўчмас мулкларни бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ битимлар 22.4 фоизга кўпайган.

2017 йилнинг I чорагида 36 660 та 2018 йилда эса 47 205 та Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарори билан 52 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслардан ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини олиш амалиёти бекор қилинди. Шу сабабли ҳужжатларнинг нусхаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш 2018 йилнинг I чорагида 2017 йилга нисбатан 75 фоизга камайди. 2017 йилнинг I чорагида 592 504 та ана шундай нотариал ҳаракат амалга оширилган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 150 581 тани ташкил этди. Шунингдек, ушбу нотариал ҳаракат 2018 йилнинг март ойида 85 фоизга камайгани билан ҳам эътиборлидир.

Ҳужжатларнинг нусхаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш 2018 йилнинг I чорагида 2017 йилга нисбатан 75 фоизга камайди. 2017 йилнинг I чорагида 592 504 та бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 150 581 тани ташкил этди.

Юқоридагилардан ташқари, Адлия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали республикадаги нотариал идоралар рўйхати, уларнинг манзиллари, белгиланган иш вақти билан танишиш, нотариус калькулятори хизмати ёрдамида нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божларини мустақил ҳисоблаш имкони яратилди. Қолаверса, нафақат расмий сайт орқали, балки ижтимоий тармоқларда ҳам нотариат соҳасига оид эълонлар, ислоҳотлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам бериб борилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар биринчи навбатда аҳолига қулайлик яратиш ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида йўлга қўйилмоқда. Чунки халқ манфаати биринчи ўриндадир.

Лекин шу ўринда нотариат соҳасида айрим эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам борки, уларни ҳам қайд этиб жоиз.

Биринчидан. Таъкидлаш керакки, фуқаролар томонидан энг кўп киришадиган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан бири қарз олди-бердисидир. Бироқ, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, чет эл валютасида қарз бериш ва қайтариб олиш бўйича шартнома тузишга рухсат этилмаган. Жумладан, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунда резидентлар ўртасидаги валюта операциялари рўйхати келтирилган бўлиб, улар қаторида қарз шартномасини тузиш масаласи мавжуд эмас.

Қонунчилик билан ўрнатилган чекловларга қарамай, фуқаролар томонидан қарз муносабатларининг предмети сифатида чет эл валютасида келишувлар тузиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Ушбу чекловлар ёзма равишда қарз шартномасини тузишга ва кейинчалик низо келиб чиққанда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўсқинликларга олиб келмоқда.

- Шу муносабат билан, амалдаги қонунчилигимизда жисмоний шахсларнинг ўз мулки ҳисобланган чет эл валютасидаги пул маблағларини эркин тасарруф этиши, хусусан, уларнинг чет эл валютасида қарз беришда ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шу жумладан, низо келиб чиққан тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишига ҳуқуқий асослар яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан. Бугунги кунда нотариуслар томонидан сайёр тартибда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда муайян чеклов мавжуд. Яъни, нотариуслар ўзи фаолият олиб борадиган нотариал округ ҳудудидан ташқарида сайёр нотариал ҳаракатни амалга ошира олмайди. Бу эса ўз навбатида аҳолига ноқулайликлар, ортиқча вақт ва харажат сарф бўлишига олиб келмоқда.

- *Шу муносабат билан, нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг сайёр тартибига ҳам **экстерриториаллик принципини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.***

Учинчидан. Амалдаги қонунчиликка биноан, меросга бўлган гувоҳнома марҳумнинг сўнги яшаб турган жойдаги, агар бу манзилни аниқлашнинг имкони бўлмаса, мерос мулки жойлашган жойдаги, агар мерос мулки бир нечта мулкдан иборат бўлса, қиймати кўп бўлган жойдаги нотариус томонидан берилади.

Лекин мазкур ҳолат ҳам фуқароларга ноқулайлик туғдирмоқда. Яъни, кўп ҳолларда марҳумнинг охири яшаган манзили бошқа, мулк ҳам бошқа манзилда, меросхўрларнинг яшаб турган турган манзили эса тамомила бошқа манзилда бўлмоқда. Мана шу ҳолларда фуқаролар айрим ҳолларда ҳатто бошқа вилоятлардан нотариусга қатнашларига тўғри келмоқда.

- *Шу муносабат билан, нотариуслар томонидан меросга бўлган гувоҳномани бериш тартибига ҳам **экстерриториаллик принципини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.***

ХУЖАНАЗАРОВ АЗИЗЖОН

Тошкент давлат юридик университети
ўқитувчиси, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ТУШУНЧАСИ ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

***Аннотация.** Мазкур тезисда ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий турларидан бири бўлган норма ижодкорлиги категорияси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу тезисда норма ижодкорлиги асосий тушунчалари юзасидан илмий ва амалий таклифлар берилган.*

***Калит сўзлар:** норма, ҳуқуқ, қонун, буйруқ, давлат, манба.*

Илмий-назарий манбалар ва тадқиқот ишларида “ҳуқуқ ижодкорлиги”, “норма ижодкорлиги”, “қонун ижодкорлиги” тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари юзасидан олимларнинг қуйидаги илмий ёндашувларини кўрсатиш мумкин.

Бир гуруҳ олимлар, ҳуқуқ ижодкорлиги нисбатан кенгроқ жараён бўлмиш ҳуқуқ яратишнинг таркибий қисми сифатида қайд этишади. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ яратиш - юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараён бўлиб, у анча узоқ вақт давом этади. Ушбу жараён: ижтимоий вазиятни таҳлил этиш, уни ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини англаб етиш; бўлажак юридик қоида ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш; юридик нормани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш каби ҳаракатларни қамраб олади.

Ҳуқуқ яратишнинг сўнгги босқичи ҳуқуқ ижодкорлигини ташкил этади¹. Ҳ.Т.Одилқориев фикрича, норма ижодкорлиги жараёни –

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:

норма ижодкорларининг Конституцияда белгиланган тартибда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади¹.

Бизнинг фикримизча, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолият “ҳуқуқ ижодкорлиги” бўлиб, фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш фаолиятини “норма ижодкорлиги” деб тушунилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, “қонун ижодкорлиги” тушунчасини фақатгина давлатнинг қонун чиқарувчи органининг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар яратишга, амалдагисига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш борасидаги фаолиятини тушуниш ўринли.

Муайян ташкилот ёки муассаса раҳбари томонидан индивидуал характердаги, расмий аниқликка эга бўлган, ваколат берувчи ва мажбурият юкловчи буйруқлар чиқаришини ҳуқуқ ижодкорлигининг кўринишларидан бири, десак бўлади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилиш нуқтаи назаридан “ҳуқуқ ижодкорлиги” ўз ичига “норма ижодкорлиги” ва “қонун ижодкорлиги” тушунчаларини қамраб олган кенгроқ маъно касб этувчи категория ҳисобланади.

М.К.Нажимов эса норма ижодкорлигига жамият ва давлат нинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли

¹ Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002. –Б.250.

субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда шакллантириши ва қабул қилишини қамраб олувчи жараён сифатида таъриф бериб, унинг қуйидаги жиҳатларига урғу бериб ўтган. Норма ижодкорлиги – жамият ва давлатнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда шакллантириши ва қабул қилишини қамраб олувчи жараён; у ёки бу ҳуқуқий актни қабул қилиш ваколатига эга бўлган органни (субъектини) аниқлаш; қабул қилиниши мўлжалланаётган актнинг шаклини танлаш; тегишли процедура доирасида ҳуқуқий актни тайёрлаш, қабул қилиш ёки ўзгартириш¹.

Илмий адабиётларда норма ижодкорлиги тушунчаси билан боғлиқ назарий ёндашувлар бўлсада, миллий қонунчилигимизда соҳага оид нормалар таҳлиллари асосида “норма ижодкорлиги ташаббуси”, “норма ижодкорлиги фаолияти”, “норма ижодкорлиги субъектлари”, тушунчасининг аниқ ҳуқуқий таърифи ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ушбу фаолият қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, мазкур фаолият бевосита ҳуқуқ манбаларидан бири бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш (чиқариш) босқичларини қамраб олганлиги;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс ёки орган томонидан қабул қилиниши;

учинчидан, мазкур фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишнинг

¹ Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б. 17.

қонунчиликда белгиланган тартибда алоҳида тартиб-таомилларининг мавжудлиги;

тўртинчидан, ушбу фаолиятда маҳаллий аҳолининг иштирок этиши.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, бизнингча, норма ижодкорлиги тушунчасига қуйидагича ҳуқуқий тавсиф бериш мақсадга мувофиқдир: “Норма ижодкорлиги – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи дастлабки таклифларни шакллантириш, лойиҳани ишлаб чиқиш фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизалардан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш, лойиҳа муҳокамаси, лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, лойиҳани кўриб чиқишда иштирок этиш, лойиҳани кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш каби жараёнларни қамраб олган фаолият”.

Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёни нуқтаи назаридан норма ижодкорлиги фаолиятини асосан икки турга, яъни қонун ижодкорлиги ва қонуности ҳужжатлари ижодкорлигига бўлиш мақсадга мувофиқ.

Барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тааллуқли бўлган “норма ижодкорлиги техникаси” тушунчасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий-техник расмийлаштириш, қабул қилишда қўлланиладиган қоида, усул ва воситалар мажмуи деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, норма ижодкорлиги юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўз навбатида норма ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлашга хизмат қилади.

ШАРИПОВА ГУЛБАҲОР СУЛЬГИЕВНА	Доцент кафедрасы «Обеспечения общественной безопасности». Университета общественной безопасности Республики Узбекистан
-----------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ОСОБЕННОСТИ ПРОФЕССИИ – ЮРИСКОНСУЛЬТА

«Соблюдению законодательства способствуют юридические службы государственных органов и организаций, осуществляющие нормотворческую, договорно-правовую и претензионно-исковую работу.

Вместе с тем, деятельность юридических служб продолжает оставаться недостаточно эффективной, поскольку ее работники не обладают действенными полномочиями, необходимыми для предотвращения нарушений закона и своевременного по ним реагирования.

Отсутствуют порядок создания юридических служб, нормативы и критерии определения их штатной численности, которые не позволяют обеспечить рациональное определение организационно-штатной структуры юридических служб в различных государственных органах и организациях»¹.

Юрисконсульт (лат. juris-consultus) — правовед, штатный работник организации (юридического лица), обеспечивающий соблюдение законодательства, как организацией, так и по отношению к организации со стороны иных участников правоотношений. Принимает участие в подготовке заключений по правовым вопросам, возникающим в деятельности предприятия, проектам нормативных актов, поступающих на отзыв. Осуществляет информирование работников предприятия о действующем законодательстве и изменениях в нем, ознакомление должностных лиц предприятия с нормативными правовыми актами, относящимися к их деятельности.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан, от 19.01.2017г. № ПП-2733 – «О Мерах по коренному совершенствованию деятельности юридической службы»

Юрисконсультам присваивают различные категории, поэтому простыми юристами их назвать нельзя.

Необходимо отметить, что **юрист** — это квалифицированный профессионал в области права. Представители этой профессии оказывают юридические консультации, исследуют, собирают и обрабатывают информацию, защищают и судят людей, составляют юридические документы, разрабатывают законы и так далее.

Обязанности у всех юристов отличаются, но их работа всегда сосредоточена вокруг закона. **Юрисконсульты**, как правило, работают на определенную организацию. Они следят за соблюдением законодательства, как самой компанией, так и другими лицами в отношении этой компании. Кроме этого, они могут консультировать отдел кадров по вопросам трудового законодательства, бухгалтерию в подготовке правовых документов и так далее.

Происхождение профессии восходит к Древней Греции, когда ораторы выступали от имени своих друзей или других граждан. Они выполняли роль юрисконсультов, но согласно существовавшему тогда законодательству, не имели право на оплату своих услуг. Первые юристы, которые получили вознаграждение за свой труд, были древние римляне. Это произошло приблизительно в 204 году до нашей эры, когда император Клавдий легализовал эту профессию и снял запрет на гонорары.

Специалист по толкованию и применению законов, обеспечению законности в деятельности государственных органов, предприятий, учреждений, должностных лиц и граждан, вскрытию и установлению фактов правонарушений, определению меры ответственности и наказания виновных, оказанию населению юридической помощи.

В обязанности юриста входит подготовка и составление договоров, контрактов, участие в подготовке юридических

заклучений, консультирование по различным правовым аспектам, участие в переговорах с клиентом и юристами, представляющими контрагентов по сделкам, представление клиента в судах, в различных органах государственной власти, а также представление интересов клиента перед контрагентами и партнерами по бизнесу, проведение обзора и анализа действующего законодательства и предложенных законодательных актов, составление аналитических документов по различным правовым вопросам.

Специалист обязан знать Конституцию РУ, действующее законодательство, гражданское, трудовое, уголовное, финансовое, административное право, методы криминалистики, психологию, логику, основы экономики, организации труда, производства и управления. Важны качества юриста: высокое чувство ответственности, развитое логическое мышление, инициативность, настойчивость, кропотливость, концентрация и переключаемость внимания, эмоциональная устойчивость, хорошая память.

Необходимо знать - Кто такие юристы-консультанты

Как уже было сказано, не все могут похвастаться доскональным знанием законов и законодательных актов, тем более что они постоянно подвергаются изменениям и дополнениям, за которыми трудно уследить. В таких случаях могут понадобиться услуги юридических консультантов, специализирующихся на решении вопросов в конкретной сфере.

Чем отличается юрист от юрисконсульта

К кому обратиться за консультацией – юристу или юрисконсульту? Кто из них занимается составлением бумаг и ведением дел в суде? Эти и многие другие вопросы легко разрешить, если разобраться в обоих понятиях – кто чем занимается и какова профессиональная подготовка в первом и втором случае. Кто такой юрист? Это общее понятие, которое охватывает всех, кто окончил ВУЗ или колледж по специальности правоведение.

«На должности работника юридической службы либо юрисконсульта может работать лицо, имеющее высшее юридическое образование либо окончившее курсы переподготовки по юридической специальности в Центре профессионального обучения юридических кадров по международным стандартам при Ташкентском государственном юридическом университете и получившее диплом установленного образца.»¹.

Узкая специализация юристов делится на два общих направления – гражданское и уголовное дело. Скажем, для того, чтобы стать адвокатом, необходимо получить вторую – быть специалистом по уголовной отрасли.

Должностная инструкция юрисконсульта - Обычно на данную должность могут назначить человека, который имеет высшее образование в сфере юриспруденции и минимальный стаж работы в данной области 1-2 года. **Юрисконсульт** может быть назначен на свою должность и быть освобожденным от нее в установленном порядке, согласно Трудовому Кодексу, приказом директора учреждения. Обязанности и задачи юрисконсульта Главной задачей юрисконсульта является контролирование выполнения законов, а также нормативных актов и других документов в компании.

Он может принимать участие в написании договоров и контрактов. Юрисконсульт обязан представлять интересы фирмы в суде, также в арбитражном суде и в государственных, общественных организациях, когда рассматриваются правовые вопросы. Должен вести судебные и арбитражные дела. **«На должности помощника юрисконсульта может работать лицо, имеющее высшее или среднее специальное юридическое образование либо окончившее курсы переподготовки по юридической специальности в Центре профессионального обучения юридических кадров по международным стандартам при Ташкентском**

¹ ПРИЛОЖЕНИЕ № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 19 января 2017 года № ПП-2733 - ПОЛОЖЕНИЕ «О юридической службе государственных органов и организаций»

государственном юридическом университете и получившее диплом установленного образца, а также студент последнего курса бакалавриата или магистрант высшего образовательного учреждения, обучающиеся по специальности «Юриспруденция»¹.

Юристы оказывают услуги по разным направлениям: Охрана прав граждан. Сюда входят следователи, дознаватели, эксперты, адвокаты, судьи, прокуроры, судебные приставы и инспекторы. В целом все эти профессии посвящены применению наказаний за правонарушения – административные (обычно это штрафы) и уголовные (лишение свободы на короткий или длительный срок, исправительные работы). Отдельно можно выделить рассмотрение и решение споров — трудового, семейного, жилищного, имущественного права. В качестве помощника для составления иска и представления интересов в суде можно привлечь юриста соответствующей специализации – дело будет рассматривать судья, а за исполнение решения отвечают приставы.

Экономическое право включает гражданские, земельные, трудовые и финансовые дела. Такие юристы занимаются составлением договоров, участвуют в судебных спорах, посвященных исполнению их условий. Защита права связана с деятельностью социальных организаций (органы социальной защиты населения). Это выплаты пособий и пенсий, поддержка безработных, повышение квалификации или переобучение новой профессии. Направлений множество, и для того, чтобы подобрать специалиста по своему вопросу, нужно поинтересоваться, на чем специализируется юрист – например, семейное право, земельное, уголовное и проч.

Лучше всего обратиться к узкому специалисту, т.к. он нарабатывает опыт в конкретном направлении и обладает самой

¹ В редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 11 июля 2018 года № УП-5475 (абзац второй пункта 9 — Национальная база данных законодательства, 11.07.2018 г., № 06/18/5475/1489)

точной информацией. **Юрисконсульт** - уже из названия видно, что эта профессия посвящена консультированию, но в рамках деятельности своей организации. Юрисконсульты работают на предприятиях, частных и государственных. Они отвечают за соблюдение законов в рамках деятельности своих компаний, в том числе, и по отношению к ним со стороны третьих лиц – юридических и физических. По сути, эти люди защищают права своего работодателя. **Юрисконсульт** - Должностные обязанности:

- разрабатывает или принимает участие в разработке документов правового характера. Осуществляет методическое руководство правовой работой на предприятии, оказывает правовую помощь структурным подразделениям и общественным организациям в подготовке и оформлении различного рода правовых документов, участвует в подготовке обоснованных ответов при отклонении претензий;

- подготавливает совместно с другими подразделениями предприятия материалы о хищениях, растратах, недостачах, выпуске недоброкачественной, нестандартной и некомплектной продукции, нарушении экологического законодательства и об иных правонарушениях для передачи их в экономический суд, следственные и судебные органы, осуществляет учет и хранение находящихся в производстве и законченных исполнением судебных и арбитражных дел;

- участвует в разработке и осуществлении мероприятий по укреплению договорной, финансовой и трудовой дисциплины, обеспечению сохранности имущества предприятия. Проводит изучение, анализ и обобщение результатов рассмотрения претензий, судебных и арбитражных дел, практики заключения и исполнения хозяйственных договоров с целью разработки предложений об устранении выявленных недостатков и улучшении хозяйственно-финансовой деятельности предприятия;

- в соответствии с установленным порядком оформляет материалы о привлечении работников к дисциплинарной и материальной ответственности;

- принимает участие в работе по заключению хозяйственных договоров, проведении их правовой экспертизы, разработке условий коллективных договоров и отраслевых тарифных соглашений, а также рассмотрении вопросов о дебиторской и кредиторской задолженности.

Юрисконсульт - контролирует своевременность представления структурными подразделениями справок, расчетов, объяснений и других материалов для подготовки ответов на претензии. Подготавливает совместно с другими подразделениями предложения об изменении действующих или отмене утративших силу приказов и других нормативных актов, изданных на предприятии. Ведет работу по систематизированному учету и хранению действующих законодательных нормативных актов, производит отметки об их отмене, изменениях и дополнениях, подготавливает справочную документацию на основе применения современных информационных технологий и вычислительных средств.

Принимает участие в подготовке заключений по правовым вопросам, возникающим в деятельности предприятия, проектам нормативных актов, поступающих на отзыв. Осуществляет информирование работников предприятия о действующем законодательстве и изменениях в нем, ознакомление должностных лиц предприятия с нормативными правовыми актами, относящимися к их деятельности. Консультирует работников предприятия по организационно-правовым и другим юридическим вопросам, подготавливает заключения, оказывает содействие в оформлении документов и актов имущественно - правового характера.

Должен знать: законодательные акты, регламентирующие производственно - хозяйственную и финансовую деятельность предприятия; нормативные правовые документы, методические и нормативные материалы по правовой деятельности предприятия; гражданское, трудовое, финансовое, административное право; налоговое законодательство; экологическое законодательство; порядок ведения учета и составления отчетности о хозяйственно-финансовой деятельности предприятия; порядок заключения и оформления хозяйственных договоров, коллективных договоров, тарифных соглашений; порядок систематизации, учета и ведения правовой документации с использованием современных информационных технологий; основы экономики, организации труда, производства и управления; средства вычислительной техники, коммуникаций и связи; правила и нормы охраны труда.

Некоторые крупные организации содержат штат из десяти и более юрисконсультов – в таком случае они делятся на категории: первая, вторая, ведущие специалисты. Юристы объединяются в отделы (управляются начальниками), отделы – в департамент, которым заведует начальник департамента. Разделение на категории осуществляется согласно стажу работы в своей сфере, а также виду образования – высшему или среднему специальному. ***Для того, чтобы стать юрисконсультom основной категории, необходимо иметь среднее специальное юридическое образование и стаж работы не менее пяти лет. Вторая категория требует наличия диплома ВУЗа и трехлетнего стажа. Первая категория присваивается только после успешной деятельности на второй в течение трех лет¹.***

Отличия

Теперь можно легко ответить на вопросы – к кому обратиться за составлением иска или консультацией частному лицу? Это юрист

¹ Президент Республики Узбекистан 20 марта 2019 г. выдвинул 5 важных инициатив по организации работы в социальной, духовной и образовательной сферах.

соответствующей специализации. Такие люди работают как отдельно (занимаются частной практикой), так и объединяются в компании, сообщества, гильдии. **Юрист** – общее понятие, которое включает и юрисконсультов, которые, в свою очередь, защищают права предприятий, на которых работают. Первое – это специальность, второе – должность. Если поставлена задача найти в организацию штатного юриста, по сути это и будет юрисконсульт. **Юрист** – это не только юрисконсульт, но и судья, адвокат, прокурор, следователь (тоже должности). К кому обратиться за помощью? Судья по названию должности – **юрисконсульт** – многие полагают, что за консультацией необходимо обращаться именно к этим людям. Это мнение ошибочно, т.к. обычный штатный юрист предприятия может квалифицированно ответить далеко не на все вопросы, а лишь связанные с работой своей организации.

Если вопрос стоит в выборе человека для защиты прав в суде, грамотной консультации или составления бумаги, оптимальным вариантом будет **адвокат**. Эти специалисты сдают квалификационные экзамены и имеют хороший опыт в своей правовой сфере. Для того, чтобы получить допуск к экзамену, необходимо проработать юристом (например, юрисконсультом на предприятии или помощником защитника) в течение двух лет.

«...разработку совместно с Палатой адвокатов, Нотариальной палатой Республики Узбекистан и иными заинтересованными ведомствами и внесение в Кабинет Министров проекта правительственного решения по **совершенствованию системы повышения квалификации адвокатов, нотариусов, работников органов ЗАГС, юрисконсультов** и иных работников с учетом современных требований и международных стандартов»¹.

Помимо стажа критериями выбора являются также количество успешно закрытых дел и отзывы клиентов.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по кардинальному совершенствованию юридического образования и науки в Республике Узбекистан» 30.04.2020 г.

**ЮЛДАШЕВ ШЕРАЛИ
НУРАЛИЕВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
Жамоат хавфсизлигини таъминлаш кафедраси
катта ўқитувчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари ҳимояси, адолатли одил судловни таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсадларидан ҳисобланди. Бунда мамлакатимиз конституциясида кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган вазифалар алоҳида ўрин тутди.

Юридик хизматлар кўрсатишнинг афзалликлари бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш бўйича ҳаракатларда ифодаланади. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фуқароларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш орқали эришилади.

Фуқаролик жамиятида юридик хизматлар алоҳида аҳамият касб этиши кўплаб юридик адабиётларда таъкидланади, ҳатто баъзи олимлар фуқаролик жамиятини юридик хизматларнинг мукамал амалга оширилиши мажмуи тариқасида тушунади. К.Қодировнинг “Юридик хизмат ходими, агар у ҳақиқатдан ҳам малакали ва тажрибали бўлса, шартнома шартларини ўзгартириш ҳақида таклиф киритиши, у ёки бу шартнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб бериши, ўзининг таклифларини бериши мумкин. Шартнома - ҳар бир ҳолатда аниқ бир шарт-шароитларни ва тарафларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил тузиладиган ўзига хос ҳужжатдир ва намунавий шартнома шакли ҳеч қачон малакали мутахассиснинг ўрнини боса олмайди” деган фикри ўринлидир.

Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятини самарадорлигини ошириш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражасини кўтариш, малакасини ошириш, уларга услубий раҳбарликни амалга ошириш борасида аниқ тартиб ва механизмларни жорий этишда сўнгги йилларда қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 741-сон қарори аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштирди. Аҳолига бепул юридик маслаҳатлар ва амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталининг мунтазам равишда юритилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятини самарадорлигини ошириш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражасини кўтариш, малакасини ошириш, уларга услубий раҳбарликни амалга ошириш борасида аниқ тартиб ва механизмларни жорий этиш мақсадга эришишни аниқ механизмларни белгилаб беради.

Дастлабки даврда айрим шахслар, блогерлар, “экспертлар” томонидан юридик хизмат марказларининг ишга туширилишига нисбатан салбий тахминлар, прогнозлар илгари сурилганига қарамасдан, тизим олдига қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришиб бормоқда. Адлия вазирлиги томонидан бугунги кунда юридик хизматга эга бўлмаган бандлик, солиқ, қишлоқ хўжалиги, маҳалла, спорт ва туризм бўлимлари ҳамда республикадаги барча давлат мактаблари, болалар боғчалари ва оилавий поликлиникаларга Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилмоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосан давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга оид нормалар белгиланган. Бу борада хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизматлари фаолияти тўлиқ қамраб олмаган. Ваҳоланки ушбу ташкилотлар юридик хизматлари нафақат ўзлари фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар манфаатларини ҳимоя қиладилар, яъни хусусий функцияни амалга оширадилар, балки уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш орқали оммавий функцияни ҳам бажарадилар.

Юридик хизмат оммавий функцияни самарали амалга ошириши, яъни хусусий манфаатдан давлат ва жамият манфаатларини юқори қўйиши учун улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, маълум маънода юридик хизмат ходимлари учун лавозим иммунитетини яратилиши лозим. Мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни

таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, юридик хизматлар ходимлари қонун бузилишини олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли, таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари, уларнинг фаолияти кутилган самарани бермаётганлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш юридик хизмат фаолиятнинг асосий йўналишлари хисобланди.

Қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари кўмаклашади. Мазкур соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган камчилик ва қонун

бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланмоқда.

Юридик хизмат фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаб, давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш, давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан хулосалар беришда юридик хизмат фаолияти муҳимдир.

Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар замирида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилашда бир қатор тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлатимизнинг тараққиёт босқичида тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши объектив заруратдир. Бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши ҳисобига уларнинг фаолиятига турли аралашувлар, тазйиқ, тўсиқларга йўл қўйилмаслик, шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини чеклашини олдини олиб, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради.

“Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни

босқичма-босқич нодавлат нотижорат ташкилотларига, жамоат тузилмаларига ўтказиб бориш, бунда инсон ҳуқуқларини устуворлигини ошириш талаб этилади.

ЗАРИПОВ ФАЗЛИДДИН

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги Нотариат, адвокатура ва
ҳуқуқий хизматлар бошқармаси бўлим
бошлиғи

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Замонавий жамиятда барча соҳаларга интернет тармоғи, замонавий ахборот технологиялари имкониятлари кенг жорий этилмоқда. Ахборот технологиялари ютуқларини адвокатура соҳасига ҳам татбиқ этиш орқали, соҳани рақамлаштириш, адвокатура соҳасига киришни енгиллаштириш, ортиқча қоғозбозликни бартараф этиш, адвокатлар ва давлат органлари ўртасида электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

Шу боисдан, сўнгги йилларда адвокатура соҳасини рақамлаштириш ёрдамида қатор ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги ПҚ–263-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан адвокатлик фаолиятини осонлаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу Қарорга мувофиқ “Юридик ёрдам” ахборот тизими ишлаб чиқилди. “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали адвокатура соҳасидаги қуйидаги қулайликлар яратилди.

Биринчидан, адвокатурага кириш осонлаштирилди. Яъни, бугунга қадар адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳони топшириш бўйича талабгор доимий рўйхатда турган манзили бўйича Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига шахсан ташриф буюриб, **8 та** қоғоз кўринишдаги ҳужжатларни топшириши

керак бўлар эди. Шунингдек, талабгорга имтиҳон ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида қоғоз кўринишида почта хизмати орқали хабарнома юборилар эди. Айрим ҳолларда хабарнома ўз вақтида манзилга етиб бормаслиги каби ҳолатлар ҳам учрайди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, ахборот тизими орқали малака имтиҳонига электрон ҳужжат топшириш йўлга қўйилди. Топшириладиган қоғоз кўринишидаги ҳужжатни олиш ўрнига, зарур ҳужжатларни электрон ҳамкорлик орқали олиш амалиётига ўтилди. Малака имтиҳони жараёнларини талабгор очиқ ва шаффоф равишда кузатиб бориш имкониятига эга бўлди. Имтиҳон вақти ва жойи ҳақида ҳам талабгорнинг шахсий кабинети ва телефон рақамига “смс” хабар юборилиши йўлга қўйилди.

Иккинчидан, ахборот тизимида адвокатнинг шахсий кабинети, адвокатларнинг электрон реестри ва рейтингини юритиш яратилди. Энди адвокат e-advokat.uz сайтига кириб, адвокатлар ҳақидаги маълумотлар, адвокатнинг рейтинги билан тўлиқ танишиб, ўзига маъқул бўлган адвокатга юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Учинчидан, ахборот тизимида адвокат мақоми, адвокатлик фаолияти учун лицензияси ҳолати ҳақида электрон маълумот олиш имконияти яратилди. Муқаддам адвокат мақоми тўхтатиб турилса, лицензияси тугатилса, бу оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларига бу ҳақда хабар берилиши талаб этилар эди. Энди, ахборот тизимида адвокат мақоми ҳақидаги маълумотлар автоматик қайд этилиб, исталган шахс адвокатнинг фаолият юритаётганлиги ёки фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишиши мумкин.

Тўртинчидан, қоғоз шаклдаги ордерлар билан тенг юридик кучга эга бўлган электрон адвокатлик ордерини расмийлаштириш жорий этилди. Бугунга қадар, адвокат томонидан ишни олиб боришга ордерлар босмаҳона усулида махсус рақамланган қоғозда чоп этилиб,

адвокатлик тузилмаси раҳбаридан олинар эди. Бу ортиқча маблағ ва вақт сарфланишига олиб келади. Энди, исталган адвокат, исталган вақтда ва исталган жойда мустақил равишда махсус QR-код билан тасдиқланган ордерни расмийлаштириши мумкин.

Бешинчидан, электрон адвокатлик лицензиялари жорий этилди, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш электрон шаклда “ягона дарча” тамойилида амалга ошириладиган бўлди, адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш ва адвокатлик бюросини рўйхатдан ўтказишда композит шаклда хизмат кўрсатиш тартиби белгиланди. Аввал талабгор малака имтиҳони топшириш учун, лицензия олиш учун, адвокатлик тузилмасини рўйхатдан ўтказиш учун алоҳида-алоҳида ваколатли органларга ташриф буюриб, алоҳида аризалар топширар эди. Энди, электрон равишда юборилган битта ариза билан, ушбу барча хизматлардан кетма-кетликда композит тартибда фойдаланиши мумкин.

Олтинчидан, адвокатура соҳасига оид ҳисобот ва статистик маълумотларни ахборот тизими орқали электрон олиш имконияти пайдо бўлди. Бугунга қадар, адвокатура соҳасига оид статистик маълумотлар адвокатлар томонидан Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларига топширилиб, Адвокатлар палатасида умумлаштирилар эди. Энди ушбу статистик маълумотлар ахборот тизимида автоматик умумлаштирилади.

Бундан ташқари, ахборот тизимида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган адвокатларни электрон танлаш имконияти ҳам ишга туширилиши кутилмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмаганлиги коррупциявий ва бошқа омиллар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2022 йилда **76 277 та** ҳолатда адвокатлар давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиб, жиноят ишларида ҳимоячи сифатида

иштирок этган бўлса, **32 569** та ҳолатда фуқаролар ҳимоячидан воз кечган.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш соҳанинг шаффофлигини таъминлабгина қолмай, юридик ёрдам кўрсатиш сифати ва адвокатларнинг бу борадаги масъулиятини ҳам оширади.

Бу борадаги ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Россия, Украина ва Қозоғистон каби давлатларда ҳам адвокатура соҳасида ахборот технологиялари имкониятлари кенг жорий этилганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, адвокатура соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини амалда татбиқ этиш фуқароларга ҳам адвокатларга ҳам энгиллик беради.

**НОРМАНОВА КЛАРА
ЭШНАЗАРОВНА**

Мирзо-Улуғбек тумани Ички ишлар
органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси
ҳузуридаги Тергов бўлими катта
терговчиси

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

***Аннотация:** Мақолада иштирокчилик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг шаклланиши, ривожланиш тарихи, иштирокчилик бўйича илмий адабиётларда баён этилган фикр ва мулоҳазалар, мутахассисларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари очиб берилган, суд-тергов амалиётида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгилашда турлича ёндошувлар мавжудлиги аниқланган ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, жиноятда иштирокчилик институтининг ҳуқуқий табиатига доир мутахассисларнинг фикрлари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** иштирокчилик, жиноятда иштирокчилик, жиноят иштирокчиларининг турлари, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи*

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳар соҳада илдам ҳаракат қилишимиз ҳозирги даврнинг муҳим талаби десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун ўстуворлиги ва қонунийликни

мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат.

Замон ривожланиб, вақт ўтган сари мавжуд ижтимоий муносабатлар, уларни тартибга солувчи қонунлар ўзгариб, давр талабларига мослаштирилиб, янги вужудга келаётган ижтимоий муносабатларни қамраб олишини таъминлаш лозим. Жиноят содир этишнинг энг хавфли шаклларида бири бу иштирокчилик ҳисобланади. Чунки, маълум бир айбли ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда иштирокчилар билан фаолият олиб бориш жиноятнинг моҳиятини ўзгартириб юборади. Дунё ҳамжамиятидаги манфаатлар зидлиги, давлатларнинг ҳамжихатлик йўлида ҳаракат қилиш жараёнидаги тафовутлар, шу билан бирга жиноий ташкилотлар билан боғлиқ жиноий характердаги ёндашув ва омилларнинг хавф хатари ортиши билан иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида иштирокчилик мавзуси бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бу борада турлича қараш ва ёндашувлар ҳали-ҳамон сақланиб турибди. Жамиятда мавжуд ҳар бир муаммони ечимини топиш учун аввало унинг илдизини, келиб чиқишини ўрганиш лозим бўлади.

Жиноятда иштирокчилик институти жиноят ҳуқуқининг энг мураккаб ва муаммоли нуқтаси бўлиш билан бир қаторда энг қадимий институтларидан бири ҳисобланади. Чунончи, одам Ато Момо ҳавонинг фитнаси ва иштироки билан ўзининг биринчи гуноҳкор ҳаракатини содир этгани ҳақида Библияда эслатиб ўтилган. Иштирокчилик маълум даражада инсоннинг ўзининг жамоавий ижтимоий мавжудот сифатидаги табиатини кўрсатади. Жамоа бўлиб яшаш инсоният эволюциясининг дастлабки босқичларидан бошлаб, яъни атроф муҳит билан қарама-қаршиликда яшаб қолиши учун бирлашишга мажбур бўлган вақтдан бошлаб шакллана бошлайди.

Шунингдек инсонлар омон қолиш, меҳнат қуроларини яратиш ва такомиллаштириш, табиат қонунларини тушуниш ва бошқа мақсадларда бирлашиб, биргаликда фаолият юритганлар.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, инсоният цивилизациясининг барча замонавий ютуқларининг асоси одамларнинг биргаликда фаолияти, уларнинг жамоавий меҳнатидир. Бироқ жамоавий характер нафақат инсон фаолиятининг ижтимоий фойдали турларига, балки унинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар шакллариغا ҳам хосдир. Бу шуни кўрсатадики, инсон ҳаракатларининг хилма-хиллигига қарамай, уларни амалга оширишнинг жамоавий усули моҳиятан ўзгаришсиз қолмоқда, шунинг учун жиноят оламида аслида жамиятнинг бошқа қисмларида бўлгани каби, ҳудди шундай жараёнлар содир бўлади. Жиноий фаолиятни амалга оширувчи шахслар ўз сай ҳаракатларини бирлаштиришга интилади, бунинг натижасида турли жиноий гуруҳлар ва тузилмалар юзага келади. Оддий шаклдаги иштирокчилик инсоният тарихи давомида содир бўлган, мураккаб шакллари эса жамиятда турли хил ижтимоий муносабатлар пайдо бўлиши билан юзага келган, яъни фуқаролик, оилавий, молиявий ҳуқуқий муносабатлар шаклланиши натижасидир.

Бинобарин, жиноятда иштирокчилик институти дастлаб, бир-биридан мустақил ҳолда шаклланган жиноятда иштирок этишнинг турли кўринишларини ифода қилади. Чунончи, Рим ҳуқуқи иштирокчиларнинг жиноятда қатнашганлик вазифаларини инобатга олиб, уларни айбдорлар, ёрдамчилар ва далолатчилар ¹, – деб атаган.

Айни пайтда жиноят иштирокчиларининг турларини ифода этган ушбу тасниф, ўша даврда ҳукмронлик қилган бошқа давлатларда ҳам эрамининг IX асрига қадар сақланиб қолган. Ушбу даврнинг муҳим жиҳатлари сифатида иштирокчилик белгилари

¹ Уразаев Ш. З. Римское право. – Тошкент. 2000. – С. 59.

қаторида тақиқланган қилмишни бирга бажариш (rei, rei principales), уни содир этиш учун ёллаш, унга ҳар қандай тарзда ёрдам бериш, содир этилаётган жиноятга бефарқ муносабатда бўлиш, жиноят содир этаётган шахсга эргашиш ҳамда қарам шахснинг жиноий топшириқларини бажариши (ministri, participes, satellites) ва ҳар қандай шахсни жиноят содир этишга ундашда ифода қилинади.

Аммо, Рим ҳуқуқи жиноят иштирокчиларининг турларига берган таърифлари ўртасида жиддий аҳамиятга эга бўлган фарқни белгиламайди. Шу боис, унда содир этилган жиноят учун барча иштирокчилар бир хил жазоланган ва тақиқланган қилмишни биттадан ортиқ шахс содир этишини иштирокчилик¹, деб атаган.

Жиноятда иштирокчилик тўғрисидаги масалалар миллий давлатчилигимиз ривожланишида ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Хусусан, ўзбек давлатчилиги жиноят ҳуқуқи доктринаси ривожланишига назар ташланса, Ўзбекистоннинг милоддан аввалги бир минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи илк ёзма манба «Авестода» берилган. Авестода биринчи бўлиб, ушбу заминда яшаган элатлар, халқлар, афсонавий қаҳрамонлар, подшолар ҳамда давлатлар, давлатларнинг бошқарув тизими, жиноят ва жазо масалалари батафсил баён этилган. Хусусан, Авестода иштирокчиликда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик белгилашда жиноят иштирокчиларининг турларини, иштирокчиликнинг шакллари алоҳида ажратмаган, жиноят иштирокчиларининг биргаликда содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари учун тенг, яъни жамоавий жазолаш қондаси жорий қилинган. Жиноятда иштирокчиликнинг ҳуқуқий белгилари ва унга боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар мустақил институт сифатида жорий қилинмаган бўлса-да, аммо иштирокчилик асосида жиноят содир этиш содир этилган жиноятлар орасида энг хавфлиларидан бири сифатида баҳоланган.

¹ Carl Friedrich Dieck. Historische Versuche über das Criminalrecht der Römer. – Waisenhaus, 1822. – p. 182.

Шунингдек, Марказий Осиё ҳудудида VIII аср бошларида араблар ҳукмронлиги бошланганидан сўнг, бу ҳудудларда шариат нормалари амал қила бошлаган. Модомики, шариат нормаларида иштирокчилик мустақил қоидалар тўплами сифатида ажратилмасда, унда жиноят иштирокчиларининг турлари ва улар учун жазо тайинлаш масалалари ўз ифодасини топган. Жумладан, шариат нормаларида, «Эҳром боғлаган киши, гарчи хато қилиб бўлса ҳам қуруқликдаги ҳайвонни ўлдирса ёки уни ўлдиришга иккинчи кишини далолат қилса, ўлдирган ҳайвон ҳаққини тўлаши вожиб бўлади»; «бир кийикни икки эҳромли киши ўлдирса, ҳар иккиси кийик қийматининг бутунини алоҳида-алоҳида тўлурлар, уч киши ўлдирса, уч киши тўлайди»; «бир кишини кўп киши жам бўлиб ўлдирувлари сабабли барчалари қасос қилиниб ўлдурулур»¹, деб қайд қилинган қоидалар орқали мустаҳкамланган. Демак, шариат нормалари асосида иштирокчиликда содир этилган жиноят уларнинг қилмиши натижасида келиб чиққан жиноий оқибатга тенг миқдорда жазолашни назарда тутган.

Ҳолбуки, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида Қорахонийлар, Сомонийлар ва Ғазнавийлар ҳукмронлик қилган IX–XII асрларда ҳам жиноятда иштирокчилик тўғрисидаги масалалар шариат нормалари асосида ҳал қилинган. Сўнгра ушбу масалалар XIII аср бошларида Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда ҳуқуқнинг асосий манбалари қаторида амал қилган Чингизхон Ёсоти асосида ҳал қилинган². Хусусан ушбу ҳужжатга кўра, айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ахлоқсизлар, мансаб вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар ва мазкур жиноятларни содир этиш учун ёрдам берганларга нисбатан ўлим жазоси тайинланган³.

¹ Мухтасар: (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Р.Зоҳид. А. Деҳқон. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 86.

² Сборник летописей. История Монголов. Сочинение Рашид Эдина. История Чингисхана от восшествия его на престол до кончины // Русский перевод с примечаниями И.Н. Березина. – СПб., 1988. – С. 97.

³ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент, 2003. – Б. 139.

Мўғуллар ҳукмронлигидан сўнг Темурийлар даврида (XIV–XVI) ҳам жиноят тўғрисидаги масалалар мусулмон ҳуқуқи, «Темур тузуклари», Марказий Осиё ва бу минтақада яшаётган халқларнинг урф-одат, ҳуқуқлари ва бошқа манбаларга асосланиб ҳал этилган. Жумладан, «Темур тузуклари» жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятчиларга жазо бериш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш, ўз қўл остидаги шахсларнинг содир этган жиноятларини яширганлик учун амалдорларни жазолаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган¹. Бу даврда ҳам жиноятда иштирокчиликка оид масалалар алоҳида жиноят-ҳуқуқий институт сифатида ажратилмаган. Бироқ жиноятни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштироки ёрдамида содир этилиши айбдорларга нисбатан жазо тайинлашнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида қайд қилинган.

Темурийлар салтанатидан сўнг (XVI аср) ушбу ҳудудларда (Шайбоний, Аштархонийлар, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари) Шарқ ва Осиё цивилизациясига хос бўлган шариат нормалари амал қилган² ва у жиддий ўзгаришларсиз 1917 йилга қадар сақланиб қолган.

1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг, жиноят-ҳуқуқий доктрина тўғридан-тўғри совет жиноят ҳуқуқи таъсирида шакллана бошлаган ва мазкур жараёнлар жиноятда иштирокчилик институтининг ривожланиши ҳамда шаклланишида янги босқични (1917–1991 йиллар) вужудга келтирган. Ушбу даврда сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан жиноятда иштирокчилик масаласига жиддий эътибор берилган. Шу боисдан иштирокчилик тўғрисидаги масалалар собиқ Россия ва Туркистон ўлкасида қабул қилинган айрим норматив-ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Чунончи, жиноятда иштирокчилик билан боғлиқ илк иборалар Халқ Комиссарлар

¹ Маматов Х.Т. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002. – Б. 67.

² Таджиханов У.Т., Одилқориев Х.Т., Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Тошкент. Шарқ, 2001. – Б. 28.

Кенгаши (ХКК)нинг «Революцияга қарши фуқаролик уруши етакчиларини қамоққа олиш тўғрисида»ги¹ 1917 йил 28 ноябрь декретида² пайдо бўлган ва «Чайқовчилик тўғрисида»ги³ 1918 йил 22 июль декретида «далолатчилар», «ёрдамчилар» ва «дахлдорлар» асосий айбдор билан тенг жазоланиши тўғрисидаги махсус норма қоидалари назарда тутилган.

Бундан ташқари, ХККнинг «Бонг садоси тўғрисида»ги⁴ 1918 йил 30 июль қарорида: «Иштирокчилар, ёрдамчи, далолатчи ва дахлдорлар агар ваҳима уйғотиш ёки тартибсизлик келтириб чиқариш мақсадида оғзаки, ёзма ёки нашр қилинган усулда чақириқлар тарқатган тақдирда Революцион трибунал олдида асосий айбдорлар билан тенг жавоб беради»⁵, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, «Дезертирлик тўғрисида»ги⁶ 1918 йил 25 декабрь қарорида илк бор жиноятга ёрдам берганлик учун жиноий жавобгарлик⁷ масалалари назарда тутилган.

1919 йил 12 декабрда «РСФСР жиноят ҳуқуқи асослари» қабул қилинган бўлиб, унинг Умумий қисми нормалари тизимлаштирилган. Иштирокчилик масалалари ушбу ҳужжатнинг бешинчи бўлимида (21-24-м.м.) кўрсатилган ва унда «бажарувчи» (22-м.), «далолатчи» (23-м.) ва «ёрдамчи» (24-м.)нинг тушунчалари белгиланган ҳамда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган (шайка, банда, тўда) жиноятларга жазо тайинлаш чоралари (21-м.)

¹ Декреты советской власти. Том I. 25 октября 1917 г. – 16 марта 1918 г. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1957. – С. 258.

² Собрание узаконений и распоряжений правительства за 1917—1918 гг. Управление делами Совнаркома СССР. – М., 1942. – С. 17.

³ Собрание узаконений и распоряжений правительства за 1917—1918 гг. Управление делами Совнаркома СССР. – М., 1942. – С. 725.

⁴ Собрание узаконений и распоряжений правительства за 1917—1918 гг. Управление делами Совнаркома СССР. – М., 1942. – С. 764.

⁵ Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР, 1917–1952 гг. / Под ред.: Голяков И.Т. – М.: Госюриздат, 1953. – С. 13.

⁶ Собрание узаконений и распоряжений правительства за 1917—1918 гг. Управление делами Совнаркома СССР. – М., 1942. – С. 1426.

⁷ Собрание узаконений и распоряжений правительства за 1917—1918 гг. Управление делами Совнаркома СССР. – М., 1942. – С. 38.

тўғрисида таъкидланган. Ушбу ҳужжат иштирокчилик учун жавобгарликнинг асосий принципи сифатида ҳар бир иштирокчига жазо тайинлашда уларнинг жиноятда иштирок этганлик даражаси билан эмас, балки жиноятчининг ва у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти билан белгиланишини назарда тутган. Шунингдек, мазкур ҳужжат жиноятни яшириш ва унга йўл қўйишни жиноятга ёрдам беришнинг шакли сифатида қайд қилган.

1922 йил 1 июнда РСФСР Жиноят кодекси¹ қабул қилинган бўлиб, ушбу Кодекснинг 16-моддасида жиноят иштирокчиларининг турларига таъриф берилган. Унинг аввалги ҳужжатдан фарқи, яъни иштирокчилар учун жазо тайинлаш (жиноятда иштирок этганлик учун жазо тайинлашда нафақат жиноятчи ва қилмишнинг ижтимоий хавфи, балки жиноятда иштирок этганлик даражаси ҳам ҳисобга олиниши назарда тутилган) ҳамда унинг турларига берилган таърифга аниқлик киритиш, шунингдек унда «Давлатга қарши жиноятлар»да иштирок этганлик учун жавобгарликни оширишга алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, 1922 йилдаги Жиноят кодексининг Махсус қисмида «шайка» ёки «банда» жиноят таркибининг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида ажратилган ҳамда унда «бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса» деб ном олган мустақил квалификация қилинувчи белги жорий қилинган. Сўнгра 1924 йилда қабул қилинган собиқ Иттифоқ жиноят қонунчилиги асосларида² иштирокчилик учун жавобгарликнинг умумий принципини белгиловчи битта модда ажратилган. Ушбу кодекснинг 12-моддасига мувофиқ, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳар қайси иштирокчининг (бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи) ижтимоий хавфлилиги ва

¹ Уголовный кодекс РСФСР // Собрание узаконений и распоряжений РКП РСФСР. 1922. – № 80. – Ст. 153.

² Основные начала уголовного законодательства Союза ССР и Союзных Республик. Утверждены Постановлением Президиума ЦИК СССР от 31 октября 1924 года // СЗ 1924, – № 24. – Ст. 204.

жиноятда иштирок этганлик даражаси ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи тарихида илк бор 1926 йил 16 июнда дастлабки Жиноят кодекси қабул қилиниши¹ билан жиноятда иштирокчилик институти шаклланиши ва ривожланишида янги босқич вужудга келган. Ушбу кодексда жиноятда иштирокчиликнинг тушунчаси белгиланмаган, бироқ унинг 17 ва 18-моддаларида далолатчи ва ёрдамчининг тушунчаси ифода қилинган ҳамда жиноятда иштирок этганлик учун жазо тайинлашнинг умумий принциплари белгиланган. Шунингдек, ушбу Кодексда аввалгиларидан фарқли равишда жиноятни яшириш олдиндан ваъда берилган ёки берилмаганлигидан қатъи назар ёрдамчи деб қаралган ва тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик, ушбу кодекснинг 18-моддасига асосан қонунда белгиланган алоҳида ҳолларда жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган.

Ушбу кодекс Махсус қисмининг айрим моддаларида «банда», «жиноий ташкилот», «уюшган гуруҳ» ва «олдиндан тил бириктирилган иштирокчилик» квалификация қилинувчи белгилар сифатида қайд қилинган. Бироқ, кўрсатилган ҳужжатларда жиноятда иштирокчилик институтини тартибга солиш деярли тор доирада ҳал қилинган. Масалан, иштирокчиликнинг белгилари тўғрисида таъкидланган декрет ва қарорларда белгиланган талаблар мазкур қонунда фақат сиёсий мақсадларга йўналтирилган алоҳида жиноятларга нисбатан татбиқ этилган. Қабул қилинган жиноят қонунлари (1922 ва 1926 йиллардаги)нинг Умумий қисмида фақат жиноят иштирокчиларининг турларига (бажарувчи, далолатчи ва ёрдамчи) таъриф берилган². Бироқ унда жиноятда

¹ Образование СССР: 1917-1924 гг. (В.Я. Гросул) / – М.: ИТРК, 2012. – С. 118.

² Кадиров А.Р. Уголовно правовые меры борьбы с соучастием в организованных группах и преступных сообществах: Дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент. 2006. – С. 22.

иштирокчиликнинг тушунчаси ва шакллари тўғрисида таъкидланмаган. Бундан ташқари шу даврда уюшган гуруҳлар томонидан содир этиладиган тажовуз объекти сифатида давлатнинг сиёсий тузилиши билан боғлиқ манфаатларга алоҳида урғу берилган.

XX асрнинг 40-йилларига келиб, иштирокчилик масаласида йиғилиб қолган муаммоларни назарий жиҳатдан ҳал этиш йўллари қидириш нуқтаи назаридан жиноятда иштирокчилик институтини келгусида янада ривожлантириш учун муайян илмий база шакланган ҳамда жиноят қонунчилигини ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилган. Аммо, шу даврда ишлаб чиқилган таклифлар фақат 1960 йилда қабул қилинган қонунларда инobatга олинган. Бинобарин XX асрнинг 40–60-йиллари орасида жиноятда иштирокчилик соҳасидаги назарий ишланмалар жиноят қонунчилиги нормаларининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши Раёсатининг «Давлат ва жамоат мулкани талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»¹ ҳамда «Фуқароларнинг шахсий мулкани қўриқлашни кучайтириш тўғрисида»²ги 1947 йил 4 июнь қарорларида иштирокчиликнинг уюшган гуруҳ шакли эътироф этилган. Хусусан, шу даврда жиноят ҳуқуқи доктринаси ва судлар жавобгарлигини индивидуаллаштириш принципини қўллаб-қувватлаган ҳамда иштирокчиликда жамоавий жавобгарлик принципини белгилаш зарурлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилган.

Ўша вақтда жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиёти жиноятда иштирокчилик масалалари бўйича ягона фикр ва тўхтамга кела олмаган. Собиқ Иттифоқ ҳудудида 1958 йил 25 декабрда

¹ Об уголовной ответственности за хищение государственного и общественного имущества (Указ Президиума Верховного Совета СССР от 4 июня 1947 года) / Вышинская З.А. – М.: Юрид. изд-во Министерства юстиции СССР, 1948. – С. 18.

² Указ Президиума Верховного Совета СССР от 4 июня 1947 года «Об усилении охраны личной собственности граждан» / «Ведомости Верховного Совета СССР». – М., 1947. – № 19.

навбатдаги Жиноят қонунчилиги асослари ва 1959–1961 йилларда шу қонун базасида иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари қабул қилинган ҳамда мазкур қонунлар иштирокчилик институти ривожланишининг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Жумладан, 1959 йил 21 майда Ўзбекистонда янги Жиноят кодекси қабул қилинган¹ ва 1960 йил 1 январдан 1994 йил 1 апрелга қадар республика ҳудудида амал қилган. Мазкур Жиноят кодексининг Умумий қисми 17-моддасида иштирокчиликка «Икки ёки ундан кўп кишининг биргалашиб, қасддан жиноят қилишда иштирок этишлари иштирокчилик деб топилади», деб таъриф берилиб, унинг турлари янада аниқроқ белгиланган. Хусусан, ушбу модданинг 2–5-қисмларида иштирокчиликнинг «бажарувчи», «ташкилотчи», «далолатчи» ва «ёрдамчи» каби турларига таъриф берилган ҳамда ушбу модданинг 6-қисмида жиноятда иштирок этганлик учун жазо тайинлаш масаласи «Ҳар бир иштирокчининг жиноий қилмишидаги иштироки даражаси ва характери суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олиниши зарур»², деб қайд қилинган. Кодекснинг Махсус қисмида гуруҳ таркибида содир этилган жиноятларнинг «ташкилот» (62-м.), «банда» (67-м.), «жиноий гуруҳ» (67¹-м.), «гуруҳ» (147¹-м.), «бир гуруҳ шахслар томонидан» (94-м.) ёки «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган» (114–117-м.м.) сингари турлари белгиланган.

Юқорида таъкидланганидан келиб чиққан ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, иштирокчилик учун жавобгарлик асослари, иштирокчилик институти тушунчаси ва унинг чегаралари, иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгилари, уни шаклларга ажратиш ҳамда иштирокчилик институтини жиноят қонунчилигининг Умумий ва Махсус қисмларида ифодалаш билан боғлиқ масалаларга

¹ Ведомости Верховного Совета УзССР, 1959 г., – № 6.

² Ўзбекистон Республикасининг 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларининг қиёсий тўплами / Тузувчилар: М.К. Мирзаолимов, Г.М. Мирзаолимова, Н.М. Мирзаолимов. – Т., 1997. – Б. 112.

ойдинлик киритилган. XX асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йиллар бошларида иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ҳамда жиноий гуруҳлар таркибида содир этилган янги турдаги жиноятларнинг пайдо бўлиши – халқаро терроризм ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг шаклланиши, хусусан уюшган жиноятчиликнинг жадал суръатларда ўсиб бориши¹, яъни ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни билан Ўзбекистоннинг аввалги (1959) ва 1995 йил 1 апрель кунига қадар амалда бўлган Жиноят кодексининг Умумий қисми 17¹-модда (уюшган гуруҳ) билан тўлдирилган. Мазкур нормада «Битта ёки бир нечта жиноят қилиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахснинг барқарор йўсиндаги бирлашуви уюшган гуруҳ деб эътироф этилган ва уюшган гуруҳни тузган ёки унга раҳбарлик қилган шахс гуруҳ содир этган барча жиноятлари учун, башарти бу жиноятлар унинг ёмон нияти билан йўғрилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади»², – деб белгилаб қўйилган.

Демак, собиқ Иттифоқ даврида яратилган Жиноят кодекслари ва бошқа қонунларда иштирокчилик институтига оид бир қатор моддалар киритилган бўлса-да, жиноятда иштирокчиликнинг шакллари ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик доираси тўлиқ тартибга солинмаган. Қонунларда ишлаб чиқилган иштирокчиликни ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларида давлатнинг сиёсий тузилиши билан боғлиқ манфаатларга алоҳида урғу берилган.

¹ Соттиев И.А. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган дастлабки йилларидаги уюшган жиноятчиликнинг ҳолати // Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2014 йил 22 февраль). – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 59.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 6. – 266-м.

Шундай қилиб, 1994 йил 22 сентябрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинди ва у 1995 йил 1 апрелдан кучга кирди. Ҳақли равишда айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг амалдаги Жиноят кодекси аввалгиларидан (1926, 1959) нафақат тузилишига кўра, балки мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам фарқланади. Бинобарин, 1994 йилги Жиноят кодексининг бирор бир моддаси 1959 йилги Жиноят кодексидаги моддаларни такрорламайди. Жумладан, янги Жиноят кодексида «Жиноятда иштирокчилик» институтини тартибга солувчи мустақил VII боб ажратилган. Унда жиноятда иштирокчилик тушунчаси, жиноят иштирокчиларининг турлари, иштирокчиликнинг шакллари, жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси кенг тарзда ифодаланган. Иштирокчиликнинг шакллари аниқлаштирилиб, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида белгиланган.

Бундан ташқари, Кодекснинг таъкидланган бобида жиноятга дахлдорлик институтини тартибга солувчи алоҳида модда киритилиб (31-модда), жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик тушунчалари баён қилинган. Унда «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди», – деган қоида мустаҳкамланган. Шунингдек, Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисми «м» бандида, жиноят «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан» содир этилган бўлса, Жиноят кодексида назарда тутилган асос ва чегарасида оғирроқ жазо тайинланишига сабаб бўлади», – деб қайд қилинган.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш (ёки махсус) мезонлари Жиноят кодексининг 58-моддасида назарда тутилган. Бу норманинг иккинчи қисмида: «Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг

жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади», – деб белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда, кодекснинг Махсус қисмида иштирокчиликка оид «бир гуруҳ шахслар томонидан», «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб», «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб», «уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб» содир этилган бўлса, квалификациявий белгилар назарда тутилган. Шунингдек, Жиноят кодекси 242-моддасида жиноий уюшма ташкил этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Муҳтасар айтганда, жиноятда иштирокчилик институти ҳақидаги қонун нормалари шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили шундан далолат берадики, ушбу институт доимо жиноятчиликнинг олдини олиш учун жамиятда ижтимоий хавфлилик ҳолати ҳамда тузилишига мос равишда ривожланиб, яхлит тизим сифатида вужудга келди, деб хулоса қилиш мумкин. Умуман олганда жиноятда иштирокчилик тушунчаси ҳамда биргаликдаги жиноий фаолият ва жиноят иштирокчиларининг турлари ва иштирокчилик шакллари таснифлаш, улар жавобгарлигини белгилаш ва жазони индивидуаллаштириш йўналишларида такомиллаша бориши давом этмоқда.

Шу нуқтаи назардан келгусида жиноятда иштирокчиликни яхлит институт сифатида янада такомиллаштириш, унинг вазифаларини аниқлаш, иштирокчиликнинг алоҳида тури ва шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, жиноят қонуни нормаларида жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик қоидаларини қатъий равишда белгилаш, ушбу институтга оид нормаларни жиноятларни фош этиш учун хизмат қилишга йўналтириш ҳамда бугунги куннинг долзарб масалаларига

айланган экстремизм, терроризм, коррупция, умуман олган ҳар қандай оғир ёки ўта оғир жиноятларга қарши курашга сафарбар қилиш тақозо этилади.

**ХАИТБАЕВ МУРАДУЛЛА
МАХАМАТЖОНОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОРГАНЛАРИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИГА
КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ КАФОЛАТЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

Аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатининг кафолати бир қанча омилларга боғлиқ. Тиббиёт ходимларининг малакали бўлиши, тиббиёт ташкилотларининг моддий-техник жиҳатдан таъминланган бўлишининг ўзи тиббий хизмат сифатини тўлиқ кафолатлаб бермайди. Кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати энг аввало мазкур соҳада ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамал ишлаб чиқилишига боғлиқ. Мавжуд маълумотларга кўра сўнги 5 йил ичида соғлиқни сақлаш соҳасида 10 та қонун, 19 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 94 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ҳамда 253 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Шунинг учун соғлиқни сақлаш соҳасида ҳуқуқий ислохотлар амалга ошириладиган (яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиладиган) вақтда юридик хизматнинг роли беқиёс ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари нафақат тиббиёт мутахассислари, балки тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ишлаб чиқилгандагина фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишнинг мукамал механизмини яратишга эришилади.

Бошқа давлат органлари каби соғлиқни сақлаш бошқаруви органларида ҳам юридик хизматнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик

хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарори¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 250-сонли қарори² ҳамда ушбу қарорларни ижросини таъминлаш учун қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда адлия органлари билан келишилиши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжат муайян даражада юридик хизмат ходимларига қўйилган талабни оширди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 28 февралда 2864-сон билан рўйхатга олинган “Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг³ 16-бандига асосан адлия органида ташкил этилган махсус комиссия номзод билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳалари, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи соҳалари, шартномавий-ҳуқуқий фаолият ва суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказади. Аниқроғи мазкур талаб орқали ишга кирмоқчи бўлган мутахассиснинг ҳуқуқий билимлари савол-жавоб орқали синаб кўрилади.

Юридик хизмат ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал адлия органи билан келишиш қандайдир

¹“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда;

²“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 10 май, 18-сон, 323-модда;

³ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 6 март, 9-сон, 140-модда.

маънода юридик хизмат ходими учун ҳуқуқий ҳимоя воситасини бажаради, яъни юридик хизмат ходими билан меҳнат шартномасини асоссиз равишда бекор қилинишини олди олинади.

Қарор билан белгилаб берилган мазкур талаб муайян даражада юридик хизмат ходимларини ҳуқуқий мақомини оширди. Бироқ ушбу талаб қанчалик даражада ҳозирги давр талабларига жавоб бериши таҳлил этиладиган бўлса, юқоридаги ҳуқуқий норма ҳозирги пайтда юридик хизмат фаолиятини яхшилашда жиддий роль ўйнамаётганини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2020 йил 2 октябрдаги 115-сонли мажлиси баённомаси билан Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари юридик хизматлари фаолияти қониқарсиз деб топилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2021 йил 21 апрелдаги 44-сонли мажлиси баённомаси билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг юридик хизматлари фаолияти қониқарли даражада эмаслиги қайд этиб ўтилган.

Ваҳоланки мазкур давлат бошқаруви органларининг юридик хизмат ходимлари лавозимга тайинланишидан аввал адлия органида белгиланган тартибда суҳбатдан ва ҳатто аттестациядан ҳам ўтишган. Демак, юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлашдан аввал адлия органи билан келишиш каби мажбурий тартиботларни ўрнатилиши юридик хизмат фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи асосий омил эмас экан.

Юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлашда ёки уларни лавозимидан озод этишдан аввал адлия органи билан

келишиш тартиби жорий этилганига 5 йил бўлди. Беш йил аввал давлат органларида ва давлат ташкилотларида юридик хизмат ходимларига бўлган эҳтиёж ёки талаб унча юқори бўлмаган. Масалан, ҳозирда бир ойда ўртача ҳисобда 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар(қонун, фармон, қарор ва ҳ.к.) қабул қилинаётган бўлса, аввал ундан 3-4 баравар кам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Айнан мазкур ҳолат давлат бошқаруви органлари ва давлат ташкилотларида юридик хизмат ходимларига бўлган эҳтиёжни ўз-ўзидан ошириб юборди. Бундай вазиятда ҳар қандай раҳбар ўз ташкилотида юридик хизмат ходимларини кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли қарори ва уни ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарорлари давлат бошқаруви органлари ҳамда давлат ташкилотлари раҳбарларини юридик хизмат ходимлари сонини кўпайтиришга бўлган ҳуқуқларини чеклаб қўйган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юридик хизмат давлат органларида ва ташкилотларида юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарорининг 4-иловаси билан юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюрода қанча миқдорда ҳуқуқшунослар фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган бўлса, мазкур қарорнинг 6-иловаси билан Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари тасдиқлаб берилган.

Ушбу норматив ва мезонларда юридик хизмат ходимлари учун штат бирликларининг сони ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, қабул қилинган буйруқ, фармойиш, шартнома ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар, давлат органлари ва ташкилотлари иштирокидаги суд жараёнлари, давлат органлари ва ташкилотларининг қарори ёки мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан тушган шикоятлар сонидан келиб чиқиб белгиланган. Ушбу норматив ва мезонлар асосида юридик хизмат ходимлари сонини объектив равишда белгилаб бўлмайди. Бунга сабаб айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 1-2 кун етарли бўлса, айримлари учун эса бир неча кун ва ҳатто ой талаб этилади. Айрим шартномалар 1-2 соат ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилса, айримларини эса бир неча кунлаб экспертизадан ўтказишга тўғри келмоқда. Баъзи суд жараёнлари бир ой давом этса, баъзилари йиллаб давом этади.

Шунинг учун юридик хизмат ходимларига бўлган эҳтиёж юқоридаги норматив ва мезонлардан эмас, балки реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Шундагина юридик хизмат фаолиятининг ҳам сифати яхшиланади, ҳам ундан самарали фойдаланиш имкони яратилади.

Ҳозирги мавжуд тартиб бўйича бирорта давлат органи раҳбари юридик хизмат ходимлари сонини кўпайтирмоқчи бўлса, юқоридаги норматив ва мезонлар асосида буни асослаб бериши керак бўлади. Юридик хизмат ходимлари учун ажратиб бериладиган штат бирликлари мазкур норматив ва мезонлар асосида асослаб берилмасдан кўпайтирилса молиявий назорат органлари томонидан мазкур ҳолат штат-смета интизомини бузиш деб баҳоланади.

Соғлиқни сақлаш органларида, шу жумладан бошқа соҳадаги давлат органларида юридик хизмат фаолиятини ривожлантириш

ҳамда уларнинг фаолиятида максимал даражада қонунийликни таъминлаш учун қуйидагилар тақлиф этилади.

Биринчиси, юридик хизмат ходимларини ишга олишда ва уларни лавозимидан озод этишда адлия органи билан келишиш тартибини бекор қилиш тавсия этилади. Айрим вақтларда ташкилотларда юридик ишлар кўпайиб кетганлиги учун қўшимча ҳуқуқшуносларни жалб қилишга зарурият вужудга келади. Ташкилот малакали ҳуқуқшуносларни топади, улар билан шартнома шартларини келишиб олади, бироқ мазкур малакали ҳуқуқшунослар ушбу давлат органи ёки ташкилотида ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун адлия органидан суҳбатдан ўтиб келишлари керак бўлади. Айнан мазкур ҳолат малакали ҳуқуқшуносларни қаноатлантирмайди, яъни улар ўзларининг қимматли вақтини суҳбатдан ўтиш ва шу каби жараёнларга сарфлаш ўрнига, хусусий секторга юридик хизмат кўрсатиб, келишилган иш ҳақини олишни афзал деб билишади.

Умуман юридик хизмат ходимларини ишга киришдан аввал ёки уларни лавозимидан озод қилишдан аввал адлия органи билан келишиш ҳозирги пайтда қўшимча бюрократиядан бошқа нарса эмас. Агар таҳлил қиладиган бўлсак давлат органлари ва ташкилотларидаги деярли барча касб турлари қандайдир маънода таваккалчилик билан боғлиқ. Масалан ҳар қандай касб эгаси ўзининг функциясини лозим даражада бажармаса кимга ёки нимагадир зарар етказади. Барча касб ёки лавозимларга нисбатан юқоридагидек талаб қўйиладиган бўлса ташкилотнинг ҳисобчиси молия ва солиқ органида, кадрлар бўлими ходими меҳнат органида, тиббиёт ходими соғлиқни сақлаш органида суҳбатдан ўтказилиб, сўнгра ишга қабул қилиниши керак. Афсуски барча касб эгаларига бундай талабни қўйишни имкони мавжуд эмас.

Айрим ҳолатларда ташкилот раҳбарига тор ихтисосликдаги, яъни меҳнат ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, халқаро хусусий

ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, тиббиёт ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ соҳаси бўйича малакали ҳуқуқшунос керак бўлади. Мазкур тоифадаги мутахассислар умумий юридик билим бўйича адлия органидан суҳбатдан ўта олмасликлари мумкин. Натижада давлат ташкилоти раҳбари ўзи учун зарур бўлган тор ихтисосликдаги малакали мутахассис хизматидан фойдаланиш имконини йўқотади.

Баъзи вазиятларда эса давлат ташкилоти қисқа даврга, яъни бир ёки икки ой муддатга малакали ҳуқуқшуносни ёлламоқчи бўлади. Мазкур ҳолатларда ҳам мутахассисни адлия органидан суҳбатдан ўтиб келиши, мутахассис учун ортиқча юкдек туюлади ва у давлат ташкилоти таклифини рад этиш билан чекланади холос.

Бозор муносабатлари шароитида юридик хизмат ходимини адлия органи билан келишиб ишга олиш, бу малакали ҳуқуқшуносни ишга олиш дегани эмас. Бозор муносабати шароитида ҳар қандай иш берувчи қайси ҳуқуқшуносни ишга олишни ва қайси бири билан меҳнат шартномасини бекор қилишни ўзи мустақил равишда белгилаши лозим. Адлия органида ҳуқуқшунос билан ўтказиладиган суҳбат мазкур мутахассисни тўлақонли қобулиятини белгилаб бера олмайди. Юридик хизмат ходимининг қобилияти унинг иш тажрибасидан, эришган ютуқларидан ва ишни йўлга қўя олишидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Мазкур ҳолатлар эса фақатгина иш берувчи томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиши мумкин.

Юридик хизматга ишга олинаётган ходимни адлия органида суҳбатдан ўтиб келиши яхши. Бироқ мазкур тартибни ихтиёрий қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Масалан, иш берувчи юридик хизматга ишга кирмоқчи бўлган талабгорни ҳуқуқий билимларини ўзи мустақил синай олмаса, иш берувчининг илтимосига биноан адлия органи шартнома асосида мазкур талабгорни суҳбатдан ўтказиб бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда юридик хизмат ходимини билимини синаш билан боғлиқ суҳбатни ўтказувчи субъектларнинг сони кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, мазкур суҳбатни ўтказиш ҳуқуқини олий юридик таълим муассасаларига, Юристлар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатасига, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ёки ички ишлар органи ходимларини малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига шартнома асосида бериш керак. Мисол учун, давлат ташкилотининг раҳбари ишга олмоқчи бўлган юридик хизмат ходимини ўзининг хоҳишига кўра суҳбатдан ўтказиш учун адлия органига ёки олий юридик таълим муассасасига ёхуд Адвокатлар палатасига юбориши мумкинлигини белгиловчи тартибни жорий этиш лозим. Бунда суҳбатни ўтказиб бериш иш берувчи билан суҳбат ўтказиб берадиган ташкилот ўртасида тузиладиган пуллик шартнома асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилиши лозим.

Шунда юридик хизмат ходимларини суҳбатдан ўтказиб берувчи ташкилотлар ўртасида қандайдир маънода рақобат муҳити вужудга келади. Иш берувчида эса доимо танлов асосида малакали ходимларни танлаб бера оладиган ташкилотларга мурожаат қилиш имкони вужудга келади.

Юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этилишини ҳам адлия органи билан келишиш бир томондан иш берувчига қўшимча иш ва мажбурият бўлса, иккинчи томондан юридик хизмат ходимига бўлган ишончсизлик ҳисобланади.

Юридик хизмат ходими билан тузилган меҳант шартномасини бекор қилишдан аввал адлия органи билан келишиш тартиби юридик хизмат ходими билан тузилган меҳнат шартномасини қонунга зид равишда бекор қилинишини олдини олади. Мазкур мажбурий тартиб шу мақсадда ўрнатилган. Бироқ ўз ҳуқуқларини

ҳимоя қила олмаган юридик хизмат ходими қандай қилиб мазкур ташкилотда бошқа ходимларнинг ҳуқуқини ҳимоя қила олади ёки ушбу ташкилотда қонунийликни таъминлай олади деган савол туғилади.

Иккинчиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарорининг 5-илоvasи билан тасдиқланган давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари бекор қилиниши лозим. Ташкилот раҳбарига юридик хизмат ходимларини сонини реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилаш ваколати берилиши лозим.

Давлат бошқаруви органларида ёки давлат ташкилотларида юридик хизматни амалга оширувчи юридик бюро, юридик бўлим ёки юридик бошқармани турли йўллар билан мавқеини ошириш орқали у ердаги юридик ишларни лозим даражада ривожлантириб бўлмайди. Юридик хизмат тузилмасида штатлар сони чекланган бўлади. Масалан, юридик бюрода 2 та штат бирлиги бўлса, юридик бўлимда 3 та штат бирлиги бўлади. Мазкур штатлар тўлган бўлса ва ушбу давлат органида бошқа лавозимлар бўлиб, у ерда ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган мутахассислар ишга олиниши мумкин, бироқ улар бундай лавозимда ишлашга рози бўлишмайди. Бунга қўйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

1) мазкур ҳуқуқшуносларга юридик хизмат ходимлари учун белгилаб қўйилган имтиёзлар татбиқ этилмайди. Масалан, Ягона тариф сеткаси бўйича давлат бошқаруви органида фаолият юритаётган бош юрисконсультнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разряди 12 бўлса, айнан шу давлат органида фаолият юритаётган бош мутахассиснинг разряди 11 қилиб белгиланган;

2) юридик хизмат ходимига мартаба даражаси учун қўшимча ҳақ, юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи учун эса

устама белгилаб қўйилган, бошқа лавозимда ишлаётган ҳуқуқшуносга бундай имтиёзлар берилмаган;

3) бошқа лавозимда ишлаётган ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган мутахассиснинг иш стажи юридик хизмат ходими стажи сифатида эътироф этилмайди.

Учинчиси, давлат органлари ҳамда давлат ташкилотларида қонунийликни таъминлаш ҳамда юридик хизматни ривожлантириш учун юридик хизмат билан боғлиқ бўлмаган лавозимларга кўпроқ ҳуқуқшуносларни жалб этиш имконини яратиш лозим. Бунинг учун бошқа лавозимларга ишга олинаётган ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган мутахассисларга юридик хизмат ходимларига берилган ҳуқуқ, ваколат ҳамда имтиёзлар тақдим этилиши (яъни уларга ҳам қўшимча тўловлар ва устамалар жорий этилиши, уларни иш стажи юридик хизмат ходими стажига тенглаштирилиши) лозим. Энг асосийси мазкур мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ёки мазкур мутахассислар билан келишилган ҳужжатлар уларнинг ўзларининг жавобгарлиги остида юридик экспертиза қилишдан озод этилиши лозим. Масалан, давлат органининг Кадрлар бошқармасининг бошлиғи ёки мазкур бошқармада ишлаётган бошқа мутахассис ҳуқуқшунос бўлса, мазкур ходимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдан озод қилиш лозим. Айнан шундай йўл орқали давлат органи ёки давлат ташкилоти юридик хизматига тушаётган иш ҳажмини камайтириш ва юридик хизмат сифатини ошириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорининг¹ 2-иловаси билан “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси” тасдиқланган. Таҳлил қилиб чиқилганда, вазирликнинг Кадрлар бошқармаси, Ташкилий-назорат бошқармаси, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси, Лицензиялаш ва

¹“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2020 йил 12 октябрь, 40-сон, 444-модда;

аккредитациялаш бошқармаси, Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаларида ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган ходимлар ишлаши аниқланди. Масалан, мазкур ходимларга юридик хизмат ходимларига берилган ҳуқуқий мақом берилса, улар ўзларининг йўналишида ишлаб чиқиладиган ҳужжатларни тўлақонли ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ваколатига эга бўлишади. Мазкур ҳолат ташкилотда юридик хизмат сифатини ҳамда тезлигини оширади.

Ўтказилган таҳлил жараёнида вазирликнинг Даволаш профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармасида, Ихтисослашган тиббий хизматни ривожлантириш бошқармасида, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда Тиббий суғурта тизимини жорий этиш бошқармаларида ҳам ҳуқуқшунос маълумотига эга бўлган мутахассислар меҳнат фаолиятлари олиб боришлари мумкинлиги ва хатто ушбу бошқармаларни ҳуқуқшунос мутахассисларга эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.

Айрим мутахассислар мазкур фикрга қўшилмасликлари мумкин. Улар ҳар қандай ҳужжат албатта алоҳида тузилма сифатида шаклланган юридик бюро, юридик бўлим, юридик бошқарма ёки юридик департамент томонидан мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши керак деган фикрда бўлишади. Мазкур фикр ўринли, бироқ ҳозирги пайтда давлат органларининг юридик хизмати учун ажартилган штат бирлиги ишлаб чиқиладиган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан сифатли ўтказиш имконини бермайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонидаги маълумотларга кўра 2017-2021 йилларда 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинган. Агарда бу давр ичида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда идоравий

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони эътиборга олинмаган бўлса давлат идораларида ташкил этилган юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим ёки юридик бюродаги штат бирликлари қанча кўпайтирилмасин, бари бир объектив ва субъектив сабабларга кўра сифатли юридик хизматни ташкил этиб бўлмайди.

Давлат органларида юридик хизматни “алоҳида тузилма” сифатида эмас, балки давлат органидаги “ҳар бир тузилма(бошқарма, бўлим ва х.к.) ичида фаолият кўрсатадиган ҳуқуқшунос” сифатида эътироф этиш вақти келди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорининг¹ 3-илоvasи билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси тасдиқланган. Адлия вазирлигининг тузилмаси таҳлил этиладиган бўлса унда юридик хизмат алоҳида тузилма сифатида мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Бунга сабаб Адлия вазирлигида асосан ҳуқуқшунос кадрлар ишлайди ва шунинг учун бундай тузилмага эҳтиёж мавжуд эмас.

Тўғри бошқа давлат бошқаруви органларида шу органнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар ишлайди, бироқ ҳар қандай давлат бошқаруви органида кадрлар бўлими, ташкилий-назорат бошқармаси, ахборот-таҳлил бошқармаси, фуқароларни мурожаатлари билан ишлаш бўлими ёки тадбиркорлик субъектларига турли йўналишлар бўйича лицензия бериш билан шуғулланмаган умумий ташкилий тузилмалар мавжуд. Айнан мазкур ташкилий тузилмаларда ишлаётган олий юридик маълумотга эга бўлган мутахассисларга юридик хизмат ходими мақоми берилса мазкур давлат органларида юридик ишларни яхши йўлга қўйиш имкони вужудга келади.

Айрим мутахассислар юридик бошқарма, юридик бўлим ёки юридик бюрода ишлаётган юридик хизмат ходимларининг лавозим

¹“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 330-модда.

Йўриқномаси бошқа умумий тузилмаларда ишлаётган ходимларнинг лавозим йўриқномасидан тубдан фарқ қилади деган фикрни билдиришлари табиий. Бироқ ҳозирги вазиятда мазкур фикрга қўшилиб бўлмайди. Масалан, давлат органларидаги иш фаолияти таҳлил этилса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом билан юридик хизмат ходимлари учун белгилаб берилган вазифаларни бошқа тузилмалардаги ходимлар ҳам бажараётганини кўриш мумкин. Мисол учун, бошқа ташкилий тузилмаларда фаолият юритаётган мутахассис ўз йўналиши бўйича хохлайдими ёки йўқми ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлайди, жисмоний ва юридик шахслардан тушган шикоятларни кўриб чиқади, судда вакил сифатида иштирок этади, таҳлилий маълумотларни тайёрлайди, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни беради ва ҳ.к.. Буларнинг барчаси биз хохлаймизми ёки йўқми ҳуқуқий ишларнинг элементи бўлиб ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам мазкур ишлар давлат бошқаруви органларида ёки давлат ташкилотларида олий юридик маълумотга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилса қонунийлик яхши таъминланади.

Соғлиқни сақлаш органларида фаолият кўрсатаётган тузилмаларга максимал даражада ҳуқуқшунос мутахассисларни жалб этиш орқали соҳада қонунийлик ишлари яхшилаш ва энг асосийси тиббиёт соҳасида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш мумкин. Ҳозирги пайтда мавжуд юридик хизмат тузилмалари бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ давлат органининг юридик хизматига тушаётган иш ҳажмининг кўплиги мазкур ишларни сифатли амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда. Масалан, юридик хизмат тузилмасида иш ҳажми кўп бўлганлиги туфайли тиббиёт соҳасида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ҳуқуқий

экспертизаси асосан лойиҳанинг қонунчилик техникасига риоя этган ҳолда расмийлаштирилганини ўрганиш билан чекланилмоқда. Бунда лойиҳанинг мазмун-моҳияти иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Натижада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда зиддиятли ёки бўлмаса керак бўлмаган ҳуқуқий нормалар қолиб кетмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон буйруғи билан “Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом¹ тасдиқланган. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 6 февралда 3217 рақами билан рўйхатга олинган.

Ушбу Низомнинг 2-бандида ёрдамчи репродуктив технологиялари эркак ва аёлнинг мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш бўйича ихтиёрий розилик аризаси асосида қўлланилиши қайд этилган. Амалда тиббий хизматнинг мазкур тури фуқароларга пуллик тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатилади. Фуқаро билан тиббиёт ташкилоти ўртасида тузилган шартноманинг ўзи беморнинг мазкур тиббий хизматни олишга бўлган розилигини англатади. Шунинг учун бемордан юқоридаги аризани олиш тиббиёт ташкилоти учун қўшимча бюрократия ҳисобланади. Шу каби юзлаб мисолларни келтириш мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда шу каби ҳолатларни олдини олиш учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари бошидан ҳуқуқшунос мутахассислар билан бирга ишлаб чиқилиши керак. Бунинг ягона ечими соғлиқни сақлаш органидаги барча тузилмаларда фаолият юритаётган ҳуқуқшунос мутахассисларга юридик хизмат ходими ҳуқуқий мақомини беришдир. Шу орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати қонунчилик даражасида кафолатланади.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.05.2021 й., 10/21/3217-1/0463-сон

Соғлиқни сақлаш бошқаруви органларида юридик хизматни юқорида таклиф этилган кўринишда ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декбардаги “Янги ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сонли Фармонида¹ қайд этилган ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органини шакллантиришга эришилади.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон

**JUMAYEV SHOHJAHON
BEGIMQUL O‘G‘LI**

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
qoshidagi Yuristlar malakasini oshirish
markazi o‘qituvchisi

AYBSIZLIK PREZUMPSIYASI HAMDA “MIRANDA QOIDASI” YANGI TAHRIRDAGI KONSTITUTSIYADA MUSTAHKAMLANMOQDA

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada konstitutsion islohotlarning mazmun-mohiyati, aybsizlik prezumpsiyasi, miranda qoidasining jinoyat protsessidagi ahamiyati xususida so‘z borgan. Bir qator xorij davlatlarining huquq manbalari tadqiq etilgan, milliy qonunchiligimizdagi ahamiyati tahlil qilingan hamda takliflar ilgari surilgan.*

***Kalit so‘zlar:** aybsizlik prezumpsiyasi, miranda qoidasi, jinoyat protsessi, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi.*

“O‘z xalqining xohish-irodasi, dili va tilidagi ezgu niyatlariga hamohang Konstitutsiyaga ega bo‘lgan mamlakat o‘zi belgilagan yuksak marralardan hech qachon og‘ishmasdan doimo oldinga qarab boradi”.

Shavkat MIRZIYOYEV

So‘nggi yillarda yurtimizda jinoyat sodir etishda ayblanotgan shaxslarni, jumladan, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchini himoya huquqi bilan ta‘minlash, asossiz va noqonuniy ayblovlarga chek qo‘yish borasida bir qator ijobiy islohotlar amalga oshirilmoqda. Birgina 2016 – 2022-yillar mobaynida 4 740 nafar shaxsga nisbatan oqlov hukmi chiqarilganligi ham buning yaqqol isbotidir.

O‘zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi Konstitutsiyasida, jumladan, uning 28-moddasida aybsizlik prezumpsiyasi hamda “Miranda qoidasi” mustahkamlanmoqda. Ushbu moddaning birinchi qismida jinoyat sodir etganlikda ayblanayotgan shaxs uning aybi qonunda

nazarda tutilgan tartibda oshkora sud muhokamasi yo‘li bilan isbotlanmaguncha va sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi bilan aniqlanmaguncha aybsiz deb hisoblanishi belgilanganmoqda. Amaldagi Bosh Qomusimizning 26-moddasida esa jinoyat sodir etganlikda ayblanayotgan har bir shaxsning ishi sudda qonuniy tartibda, oshkora ko‘rib chiqilib, uning aybi aniqlanmaguncha u aybdor hisoblanmaydi deb qayd etilgan. Qiyoslab ko‘rish mumkinki, mazkur normaga “sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi bilan aniqlanmaguncha” jumlasini qo‘shilayapti. Bu jumla bilan esa shaxsning jinoyat sodir etishda aybdor yoki aybdor emasligiga oid nuqtani faqat sud qo‘yishi mumkinligiga urg‘u berilmoqda.

Ta‘kidlab o‘tish o‘rinliki, 1948-yil 10-dekabrda qabul qilingan inson huquqlarining asosiy kafolati bo‘lgan hujjat – Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 11-moddasida ham aybsizlik prezumpsiyasi prinsipi mustahkamlangan bo‘lib, unga ko‘ra, jinoyat sodir etganlikda ayblangan har bir inson himoya uchun barcha imkoniyatlar ta‘minlangan holda, ochiq sud majlisi yo‘li bilan uning aybi qonuniy tartibda aniqlanmaguncha aybsiz deb hisoblanishga haqlidir. Ushbu normani yanada aniqroq va tushunarliroq talqin etadigan bo‘lsak, aybsizlik prezumpsiyasi mohiyatida “Isbotlanmagan ayb - isbotlangan aybsizlikka teng” degan xalqaro standart yotadi. Mazkur xalqaro huquqiy normaning Konstitutsiyamizda yanada to‘la va aniq tarzda belgilanishi inson huquqlarini turli noqonuniy tajovuzlardan muhofaza etishda o‘ziga xos qalqon bo‘ladi deb hisoblaymiz.

Shuningdek, Konstitutsiyaviy qonun loyihasida aks etgan yangi tahrirdagi Konstitutsiyamizning 28-moddasi uchinchi qismida “gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchi o‘zining aybsizligini isbotlashi shart emas va istalgan vaqtda sukut saqlash huquqidan foydalanishi mumkin” tarzidagi norma belgilanmoqda. Ushbu qoida huquqshunoslarga “Miranda qoidasi” nomi bilan yaxshi ma‘lum. Xo‘sh,

unda “Miranda qoidasi”ning o‘zi nima va uni Konstitutsiya darajasida belgilanishiga qanday zaruriyat bor?

Mazkur qoida amerikalik jinoyatchi Ernesto Arturo Miranda nomi bilan bog‘liq. U AQSH Oliy sudi tomonidan 1966-yilda jinoyat sodir etishda gumonlanuvchilarning o‘ziga-o‘zi qarshi guvohlik berib qo‘ymasligini ta‘minlash maqsadida kiritilgan. 1963-yilda bu shaxs bir nechta og‘ir jinoyatlar bilan qo‘lga olingan.

Mirandaning advokati Elvin Mur esa sudda Mirandaning haq-huquqlari talab darajasida tushuntirilmagan, shuning uchun aybiga iqrorlik bilan bog‘liq barcha dalil va ko‘rsatmalar ishdan chiqarilishi lozim, degan vajni ilgari suradi. Ish AQSH Oliy sudigacha yetib borgach, «Mirandaning huquqlari buzilgan» deb hisoblanib, ishdan Mirandaning ko‘rsatmalarini chiqarib tashlash va ishni qayta ko‘rish uchun qaror chiqaradi. Natijada bu voqea AQSH jinoyat protsessiga yangi institut – birinchi o‘rinda gumonlanuvchining haq-huquqlari tushuntirilishi shart ekanligini nazarda tutuvchi «Miranda qoidasi»ning kiritilishiga sabab bo‘lgan.

Demak, yanada oddiyroq qilib aytganda “Miranda qoidasi” jinoyat sodir etishda gumon qilinayotgan shaxsga uning qonuniy haq-huquqlari to‘la tushuntirilishi zarurligini hamda gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchi esa istalgan vaqtda sukut saqlash huquqidan foydalanishi mumkin ekanligini nazarda tutadi.

Mazkur qoidaning mustahkamlanishi esa jinoyat sodir etishda gumon qilinayotgan shaxsga nisbatan turli tajovuzlarni, noqonuniy ayblovlarni hamda o‘ziga qarshi xohishiga zid ravishda majburiy ko‘rsatmalar olish holatlarini bartaraf qiladi.

**НОРҚУЛОВ АКБАР
УРОҚОВИЧ**

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

КИБЕРМАКОНДА ЭМОДЗИЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: *мазкур илмий мақолада бугунги кундаги ахборат асри, кибермакон тушунчаси, унинг пайдо бўлиши жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган. Кибермакондаги муносабатларни, объектларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари илмий жиҳатдан исботлаб берилган.*

Кибермакон деб аталмиш виртуал оламдаги янги муносабатлар, ундаги янги объектлар, уларнинг тушунчаси, мазмун моҳияти ва аҳамияти атрофлича илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Кибермаконнинг янги объектларидан бири ҳисобланмиш эмодзиларнинг мазмун жиҳатдан очиб берилишига алоҳида урғу берилган. Шунгдек, эмодзиларнинг кибермакон билан боғлиқ алоҳида жиҳатлари, бу борада илмий қарашлар, олимларнинг фикр ва мулоҳазалари изчил ўрганиб чиқилган.

Шу билан бир қаторда номоддий неъматларнинг ҳимоя қилиниши, тартибга солишдаги миллий ва хорижий нормалар ҳамда уларнинг аҳамияти атрофлича ёритиб берилган. Бундан ташқари кибермакондаги эмодзиларнинг интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланиши, интеллектуал мулк объекти эканлиги бир қатор илмий манбалар ҳамда бир қатор олимларнинг келтирган фикрлари асосида ўрганиб чиқилди.

Кибермаконда эмодзиларнинг интеллектуал мулк объекти сифатида бевосита тартибга солишга қаратилган механизмларни яратиш ҳамда бу борада рақамли ҳуқуқни янада такомиллаштириб бориш кераклиги ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Кибермакон, виртуал олам, интернет, эмодзилар, рақамли ҳуқуқ.

Янги дунё инсонларини янги технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ўз навбатида билимларнинг дастлабки чегараларини сезиларли даражада кенгайтириш имкониятини яратиб берди. Кибермаконнинг ривожланиб бориши ўз навбатида ундаги муносабатларни, объектларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб бормоқда.

Бу борада Дж.Уррининг фикрини келтириб ўтиш керак, унинг талқинича бутун инсоният 3 асосий шакл асосида намоён бўлади. Булар: табиий объектлар; сунъий объектлар; виртуал объектлар¹.

Бундан кўриниб турибдики, виртуал макон ҳам бутун инсониятнинг ажралмас бир бўғинига айланиб бормоқда. Буни эса бир сўз билан кибермакон дея таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

В.Аносовнинг фикр билдиришича Кибермакон – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган муҳит ҳисобланади².

Г.Акопов таклиф беришича кибермакон – бутун жаҳондаги компьютер тармоқларини улар ўртасида ахборот айирбошлаш учун бирлаштирадиган дунёдаги энг катта компьютер тармоғидир³.

Бундан англаш мумкинки, кибермакон трансчегарвий рақамли дунё ҳисоблангани боис ундаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кундаги ҳуқуқшуносларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур ҳолатни Скот Леш қўйидигича таҳлил қилиб ўтади. Муаллифнинг фикрича кибермакон бу-инсон ўзи томонидан амалга

¹ Урри Дж. Мобильность. М., 2012. С.306.307.

² Аносова В. Правовая охрана интернет-сайтов / В. Аносова // ИС. Авторское право и смежные права. – 2013. - №3. - С. 27-32.

³ Акопов Г.Л. Интернет и политика. Модернизация политической системы на основе инновационных политических интернет-коммуникаций: Монография/Москва: КНОРУС,2017.-238.

оширадиган барча ҳаракатлар турли хил технологиялар томонидан амалга оширидади¹.

Муаллифларнинг фикридан аниқлаш мумкинки, инсоният бутун ҳаёти давомида турли ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширадиган жой бу кибермакон ҳисобланади.

Кибермаконда унинг тоборо мукамал объектига айланиб бораётган эмодзилар ва уларни ҳуқуқий таъминлашни ташкил этиш 21 аср юрипруденция олимларининг асосий вазифларидан бири бўлмоқда.

Замонавий дунёда эмодзиларсиз кибермаконнинг турли ижтимоий тармоқларини тасаввур этиш қийин ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида эмоджиларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишни тақоза этмоқда.

Материал ва методлар.

Кибермакон соҳасида тадқиқотни амалга ошириш давомида татқиқ этилган соҳа сифатида кибермакон, кибермаконда муносабатлар, объектлар ва улар билан ҳуқуқий томонлари ўрганилди.

Ўрганилган маълумотлар доирасида кибермакон, виртуал оламдаги барча ижтимоий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган масала ва ечимлар изчил таҳлил асосида ўрганилган.

Илмий тадқиқот ишда таҳлил қилиш, тарихий ҳолатларни халқаро муносабатлар асосида таққослаш, илмий асослантириш ва исботлаш, тизимли-мантиқийлик, қиёсий ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс татқиқ этиш, индукция ва дедукция усуллари таҳлил қилинган.

Хусусан, мазву предмети бўйича ва тадқиқот объекти сифатида халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий ҳуқуқий нормалар асосида тизимли таҳлил қилинган.

¹ Акопов Г.Л. Интернет и политика. Модернизация политической системы на основе инновационных политических интернет-коммуникаций: Монография/Москва: КНОРУС,2017.-238.

Мавжуд ҳолатлар кибермакон, кибермакондаги ижтимоий муносабатлар, эмозилар, уларнинг келиб чиқиши тарихи, ривожланиш ва интеллектуал мулк объекти сифатида баҳоланишнинг асосий мезонлари таҳлил қилиб ўтилган.

Илгари сурилган фикрлар, ёндашувлар миллий ва хорижий манбалар асосида ўрганилиб, таҳлил қилиб ўтилган.

Тадқиқот натижалари.

Ахборот асриснинг ривожланиб бориши ижтимоий тармоқдаги муносабатларни, ундаги объектларни ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақоза этмоқда. Бу ўринда эмодзиларнинг ҳам ўрнини очиб бериш, уларнинг ҳуқуқий табиатини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

К.Менчернинг изоҳлашича кибермакондаги ижтимоий тармоқларнинг асосий объектларидан бирига айланиб бораётган эмодзилардан бугунги кунда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг 92% қисми фойдланади¹.

Шу ўринда эмодзи нима деган ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин. Эмодзиларнинг яратилиш тарихи анча йилларга бориб тақалади.

Ҳозирги кундаги ижтимоий тармоқларнинг юзига айланиб бораётган эмодзиларнинг бошланиши 1999 йилда Японияда Шигитака Курита исмли бир муҳандис томонидан яратилади.

М.Паттерсон эмодзи сўзига таъриф берар экан компьютер қурилмаларида фойдаланиладиган сўзларнинг ўрнига ишлатиладиган ҳарфлар дея таъриф беради².

Эрик Голдман эмодзи сўзини шундай талқин қилади: Эмодзилар бу Япониядан кириб келган “характерни ифодаловчи сурат” дея таъриф беради³.

¹ Keith Menscher Thank you, I emoji your offer: Emojis translating acceptance in contracts/ https://scholarship.shu.edu/student_scholarship.

² Michael A. Patterson A Lawyer’s guide to emoji: What you need to know. Louisiana. P 5

³ Eric Goldman “Emojis and Law” 2018. P 6/ <https://digitalcommons.law.scu.edu/facpubs/948>

Йинг Танг эмодзиларнинг фойдаланиш жараёнини шундай тушунтириб беради, муаллифга кўра эмодзилар бутун виртуал дунёда мулоқат қилишнинг умумий усули эканлигини таъкидлаб ўтади¹.

Юқорида келтирилган фикрлардан аниқлаб олишимиз мумкинки, эмодзилар бу кибердунёда фойдаланиладиган, унда маълум бир функцияларни бажарадиган кибермаконнинг объекти ҳисобланади.

Кибермакон фойдаланувчилари эмодзилардан турли мақсадларда фойдаланиши мумкин, масалан кимдир ундан маълум бир сўзнинг ўрнига шлатиши, ёки кимдир ундан мулоқат жараёнида, маркетингда, ёки турли шартном жараёнларида фойдаланиши мумкин.

Эмодзилар объект сифатида йилдан йилга тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазиятда ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти сифатида эмодзилардан қонуний фойдаланиш, белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда улардан турли ижтимоий тармоқларда фойдаланишни назарда тутди.

Кибермаконда эмодзилардан фойдаланишда эътибор бериладиган биринчи ҳолат бу унинг интеллектуал мулк объекти эканлигидадир.

Бугунги кунда эмодзилар интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиши мумкинми, агар бўлса қайси ҳолларда деган саволлар пайдо бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Эрик Голдман эмодзидардан фойдаланишда икки хил версияни таклиф қилган. 1) стандартлаштирилган эмодзилар 2) шахсийлаштирилган эмодзилар².

¹ Ying Tang Khe Foon Hew Emoticon, Emoji, and Sticker Use in Computer-Mediated Communication: A Review of Theories and Research Findings. International Journal of Communication 13(2019), 2457–2483. P.5

² Eric Goldman “Emojis and Law” 2018. P 6/ <https://digitalcommons.law.scu.edu/facpubs/948>

Муаллиф сўзини давом эттирар экан стандартлаштирилган эмодзилар бу барча томонидан исталган вақтда фойдаланиши мумкин бўлган эмодзилар тушунилади. Бунга мисол тариқасида “UNICODE” тўпламни келтириш мумкин. Ушбу тўпламдаги эмодзилардан ҳар қандай вақтда фойдаланиш мумкин.

Шахсийлаштирилган эмодзилар бу одатда маълум бир компаниялар томонидан яратилган турли кўринишдаги эмодзилар ҳисобланади.

Бунда ҳар бир компания ўз платформаси учун шахсий эмодзиларини яратадилар.



Apple



Google



Samsung

Кўриниб турибдики, дунёга машҳур уч компания томонидан яратилган 3 хил эмодзи тасвири келтирилган. Аҳамиятли томони ушбу компания бир бирларининг эмодзиларидан фойдаланишда турли чекловлар келтирилган. Келтирилган эмодзилардан бирон бир ташкилот муайян лицензиясиз ёки рухсатномасиз фойдаланадиган бўлса муайян ҳуқуқнинг бузилишига олиб келади.

Масалан, айрим компаниялар томонидан ўзлари томонидан яратилган дастурлар орқали эмодзилардан фойдаланиш чегарасини белгилаб бермоқда. Хусусан, “Apple” томонидан яратилган эмодзилар махсус лицензия шартномаси асосида тарқатилади. Бунда асосий шарт қилиб IOS дастури ўрнатилган бўлиши талаб этилади¹.

Шахсийлаштирилган эмодзиларнинг аҳамиятли томони улар муаллифлик ҳуқуқининг предмети сифатида ҳисобланади. Бир сўз

¹ <https://vc.ru/ask/75333-kak-zakonno-ispolzovat-emoji-v-veb-prilozheniyah>

билан айтганда интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Сабаби, булар инсон тафаккури, салоҳияти, ижоди билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

Шу вазиятда кибермаконда эмодзилардан фойдаланишда қонуний томоналарини ёритиб ўтш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек эмодзилар интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Амалдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 5 ва 6-моддаларида билвосита эмодзилар билан боғлиқ нормани очиб беради.

Хусусан, ушбу қонуннинг 5-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида тасвирлар келтириб ўтилган, 6-моддада эса муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар сифатида рангтасвир, фотаграфия ёки фотаграфияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар сирасига эмодзиларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керакки, эмодзиларнинг келиб чиқишига диққат қаратадиган бўлсак “характерни ифодаловчи сурат” ни билдиради.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кибермаконнинг асосий объектларида бирига айланиб бораётан эмодзилар интеллектуал мулк объекти сифатида квалификация қилиш мумкин. Шундай экан эмодзилардан фойдаланишда муаллифнинг олдиндан розилигини олиши талаб этилади.

Бундан ташқари умум эътироф этилган халқаро нормаларда ҳам эмодзиларни тартибга солиш механизмлари келтириб ўтилган.

Хусусан, 1886 йилги “Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича” Берн конвенцияси, 1974 йилги “Йўлдош орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида”ги битим, 1994 йилги “Интеллектуал мулк ҳуқуқларини савдога оид жиҳатлари тўғрисида”ги Битимларда инсон тафаккури орқали асарларга нисабатан тўлиқ тартибда муаллифлик ҳуқуқи

амалга оширилади. Эмодзилар интеллектуал мулк объекти ҳисобланади. у боисдан ҳам эмодзиларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини талқин қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари амалдаги Фуқаролик кодексимизнинг 1031-моддасида кибермакондаги интеллектуал мулк объекти сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган. Улар қуйидагилар:

➤ Интернет тармоғида жойлаштирилган ва сақланадиган интеллектуал фаолият натижалари: фан, адабиёт ва санъат асарлари-матнли ёзувлар; ижролар; фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ва эшиттиришлари – аудио ва видео ёзувлар; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, ва маълумотлар базаси- веб сайтлар, порталлар, программалар; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)лар – ахборот кўринида жойлаштирилган контент;

➤ Интернет тармоғида фуқаролик муомиласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар: фирма номлари; товар белгилар (хизмат кўрсатиш белгилари); товарлар чиқарилган жой номи-домен номлари ва веб-сайтлар акс этади;

➤ Интернет тармоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомиласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар-домен номлари;

➤ Интернет тармоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомиласининг иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи домен номлари.

Ушбу ҳолатдан англашиладики, кибермакондаги мавжуд эмодзилар ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиб, улардан фойдаланишда муаллифнинг розилигини олиш талаб этилади.

Бу ҳақида Х. Рахмонқулов қўйидаги фикрни келтирган: интеллектуал мулк моҳияти жиҳатидан ижодий фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган махсус ҳуқуқлар йиғиндисини жамловчи тушунчадан иборат бўлиб, адабий, бадиий ва илмий асарларга, санъаткор ва астистрларнинг ижрочилик фаолиятига, овоз ёзишга, радио ва телевизорлар эшиттиришларга, ихтироларга, саноат мулки ва намуналарига, товар белгиларига, фирма номларига ва бошқа номоддий неъматларга тааллуқли бўлган ҳуқуқларни қамраб олади. Ушбу ижодий фаолият маҳсулотлари интеллектуал мулкнинг объекти ҳисобланади¹.

Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, компьютер графиги орқали яратилган турли расмлар, эмодзилар ҳам асар сифатида баҳолашимиз учун асос бўлади. Бир сўз билан айтганда интеллектуал мулк натижаси билан боғлиқ барча объектлар муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади.

Кибермаконнинг турли ижтимоий тармоқларидаги мавжуд эмодзилар ҳам муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади ҳам улардан фойдаланиш учун муаллифнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилади. Бу ҳақида бир қатор олимлар ўз илмий ишларида турли фикрларни илгари сурган.

Хусусан, И.Киченко бу ҳақида тўхталиб шундай деган: бирон бир материални Кибермаконда жойлаштиришдан олдин, биз уни қонуний йўл билан ҳам қўлга киритган бўлсакда, муаллифнинг олдиндан розилигини олишимиз керак бўлади².

¹ Рахмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари.-Т.,2009.-Б.117.

² Кириченко И.А. Интеллектуальная собственность в сети интернет: проблемы правового регулирования//Молодежный научно-технический вестник.- ФГБОУ ВПО МГТУ им Н.Э.Баумана. 05. 2012 май.

Т.Коскинен таклиф беришича виртуал дунёда эмодзи ва бошқа суратлардан муаллифнинг розилигисиз фойдаланиш муаллифлик ҳуқуқининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади¹.

Юқоридаги муаллифларнинг фикридан англашиладики, Эмодзилар ҳам интеллектуал фаолияти билан боғлиқ жараён ҳисоблангани боис муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатиди баҳолашимиз мумкин.

Хулоса.

Бугунги кунги ахборат асрининг ривожланиб бориши билан ундаги муносабатларнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳуқуқшуносларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу эса ўз навбати кибермаконнинг трансчегаравийлигини инобатга олган эмодзилар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш нақадар устувор эканлигини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Юқорида таъкидланганидек, эмодзилардан фойдаланишда уларнинг қайси турига мансуб эканлигини аниқлаб олиш даркор ҳисобланади.

Амалдаги эмодзиларнинг икки тури мансублиги, яъни 1) стандартлаштирилган 2) шахсийлаштирилган эмодзилар.

Стандартлаштирилган эмодзилардан фойдаланишда ҳеч қандай муаллифлик ҳуқуқи талаб этилмайди. Сабаби, “UNICODE” тўпламидаги мавжуд эмодзилардан фойдаланиш муаллифлик ҳуқуқининг бузилишига олиб келмайди. Аксинча шахсийлаштирилган эмодзилардан фойдаланиш эса муаллифнинг розилигини олмаслик муаллифлик ҳуқуқига оид нормаларнинг қўпол бузилишига олиб келади.

Шахсийлаштирилган эмодзилардан ахамияти шундаки, улардан маълум бир лицензиялар асосида ёки турли келишувлар орқали фойдаланишга рухсат олиш мумкин.

¹ Коскинен-Олссон Т. Защита авторских прав в Интернете // «ИС.Авторское права и смежные права». № 9, 2002 г. -С 67

Юқорида келтирилганидек эמודзиларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиши миллий ва хорижий нормалар орқали билвосита мустаҳкамлаб қўйилганини кўришимиз мумкин.

Бу эса кибермакондаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда эמודзилардан муаллифнинг олдиндан розилигини олмасдан фойдаланиш қонунга мувофиқ эмас деган хулосага келиш мумкин.

**МАНСУРОВА НАРГИС
НЕМАТОВНА**

студентка 2-курса, факультета «Частное право» Ташкентского государственного юридического университета,
E-mail: mansurovanargislawyer@gmail.com

РОЛЬ АДМИНИСТРАТИВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ ПРАВОСОЗНАНИЯ У ОБЩЕСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

***Аннотация:** В статье рассматриваются взгляды ученых на процесс формирования правосознания у общества. Далее определяется роль административного законодательства в разрешении конфликтов между личностью и государством, а также влияние семьи, самовоспитания и образовательных учреждений на повышение правовой культуры человека. Следовательно, рассмотрены законы и иные нормативно-правовые акты РУз, способствующие совершенствованию судебной, правоохранительной системы и системы иных органов государственного управления. Выделен ряд системообразующих проблем, затрудняющие формированию развитого правосознания людей и выдвинуты возможные пути решения к этим проблемам.*

***Ключевые слова:** административное законодательство, правосознание, правовая культура, правовое образование, самообразование, права и свободы граждан, правонарушение, правовое государство, Узбекистан.*

В настоящее время формирование правового сознания и правовой культуры у общества является актуальной темой. Его актуальность заключается в развитии и формировании личности, подготовке его к жизни в обществе, а также в развитии способности защищать свои права и владеть юридическими знаниями.

Понятие «правовая культура» охватывает различные сферы общества и включает в себя правовые ценности, нормы, убеждения, правотворческую и правоприменительную деятельность. В повседневной жизни мы часто сталкиваемся с новыми законами, которые требуют понимания их сути. Однако люди, работающие в различных сферах деятельности, могут неправильно понять суть этих законов. В результате неразвитого правосознания возникают негативные явления, такие как правовой нигилизм, инфантилизм, неуважение к закону, правонарушения и преступления.

Чтобы предотвратить подобные проблемы, современные страны уделяют особое внимание правовому образованию, помощи и повышению правовой культуры. В данном процессе играют особую роль юристы, государственные органы, служащие и система законодательства в целом и, в частности, административное законодательство, потому что они помогают людям с их юридическими проблемами, объясняют и интерпретируют законы.

Таким образом, повышение правосознания способствует развитию государственных институтов, правовой системы, снижению правонарушений и этот процесс приведет к дальнейшему движению современных государств к гражданскому обществу.

По поводу темы данной статьи имеются разные точки зрения ученых. К примеру, профессор В.С. Нерсисянц считает, что воспитывающее обучение предполагает непрерывную связь процессов целенаправленного формирования сознания личности законопослушного гражданина, включая правосознание, нравственные идеалы, правовые установки и ценностные ориентации.¹ Воспитание правовой культуры начинается с семьи, образовательного учреждения, самовоспитания, а также государства.

¹ Суранчиева Г. Т. Формирование правосознания несовершеннолетних в Кыргызской Республике. Бишкек: Издательство КРСУ. 2013г. 95с.

Мы можем увидеть данный процесс на основе национального опыта, так как оно действует по принципу «личность — семья — махалля — образовательное учреждение — организация — общество».

Вышеперечисленные субъекты играют важную роль в формировании правового сознания у каждого из нас, например, если родители в семье не обладают достаточными юридическими знаниями, правосознанием и правовой концепцией, то это приведет к отклонениям законов и нормативных актов, они не смогут должным образом изучать и понимать право, в результате этого они не смогут научить своих детей соответствующим правовым знаниям. Хотя с развитием образования в современной семье ситуация, когда родителям не хватает юридических знаний и слабого чувства права, меняется. У многих родителей появилось новое понимание качественного образования. В данном случае образовательные учреждения должны обеспечить эту качественную учебу.

В каждой школе должны быть внедрены предметы связанные с правом, которые формируют фундамент правосознания. Преподаватели играют важную роль, они должны уметь создать такую обстановку, в которой каждый ученик должен чувствовать себя личностью, а также разработать методологические подходы к пониманию права и создать новые программы правового воспитания.

Следует отметить, что этот весь процесс также зависит от самого человека. То есть, человек должен уметь самостоятельно формировать у себя глубокое уважение к праву и закону. Без самовоспитания не может быть эффективной ни одна из форм правового воспитания. Только собственные усилия по приобретению правовых знаний, размышления о правовой действительности способствуют выработке подлинной правовой культуры личности.¹

¹ Иваненко М. А. Капустина Н. Г. Правовое воспитание старших подростков в деятельности классного руководителя. Выпускная квалифицированная работа. Екатеринбург. 2018г. 29с.

Кроме того, для формирования правосознания необходимо законодательство, которое работает эффективно и отвечает требованиям правового государства. Законы, которые они издают должны не противоречить правам, свободам и интересам индивида, так как в целом нормы права создаются для человека и для его развития.

После того, как у нас сформировалось теоретическая концепция о правовой культуре, мы перейдем к рассмотрению того, как она совершенствуется и какова роль административного законодательства в Республике Узбекистан.

Когда наша страна находилась в составе СССР, споры между государством и индивидом не рассматривались. После обретения независимости Узбекистан встал на путь построения открытого демократического государства и сильного гражданского общества, которое провозгласило права и свободы человека высшими ценностями. В настоящее время каждый может обратиться в суд в связи с нарушением их прав. Споры между гражданами и органами государственной власти, действиями и решениями которых нарушаются права и свободы граждан, законные интересы юридических лиц рассматриваются административными судами.

Нам следует отметить, что административные процедуры регулируют порядок управления государственных услуг, выдают разрешительные и иные документы, регистрируют, принимают решения, затрагивающие права и свободы физических лиц, интересы юридических лиц. Все это прописано в законе «об административных процедурах».

В настоящее время идет процесс разработки данного закона в новой редакции. Там включены дополнения, например, в текущей редакции в статье 5 перечислены основные принципы административных процедур, а в новом проекте введены принципы, такие как запрет произвола, запрет злоупотребления правом,

недопустимость отказа в применения права. Мы можем сказать, что взаимоотношения между государством и личностью посредством административных процедур представляют собой ключевой признак гражданского общества.

Кроме того, принимаются и иные нормативно-правовые акты, которые направлены на предотвращения правонарушений и развитию правовой культуры.

В связи с изменениями, внесенными в Кодекс РУз об административной ответственности, в целях правильного применения норм закона и разрешения вопросов, возникающих в судебной практике, был принят ППВС (постановление пленума Верховного суда РУз) «О некоторых вопросах применения судами законодательства, регулирующего рассмотрение дел об административных правонарушениях».

В данном Постановлении в 28 пункте подчеркнута, что в целях повышения правосознания и правовой грамотности граждан рекомендовать судам после объявления судебного акта разъяснять суть судебного акта и основания, послужившие его вынесению.¹ За счет систематизации административного законодательства, мы можем повысить правосознание, так как если будет стройней внутренняя система законодательства, каждый человек будет соблюдать, исполнять, верить в закон и справедливость.

Следует отметить Указ Президента РУз «О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в обществе», где со стороны государства уделяется большое внимание правовому воспитанию, повышению правовой грамотности, а также расширению взаимодействия образовательных учреждений и правоохранительных органов в сфере повышения правосознания и правовой культуры молодого поколения.

¹ ППВС «о некоторых вопросах применения судами законодательства, регулирующего рассмотрение дел об административных правонарушениях». (Интернет ресурс (<https://lex.uz/uz/docs/4116805>) Дата обращения: 23.10.2022г.)

В процессе осуществления правового образования подростков организация специальных мероприятий может помочь им понять принцип действия закона, почувствовать ценность стремления к справедливости и установить правильные ценности, такие как анализ особого случая и изучение духа конституции. Этот способ может направлять молодых людей на сознательное соблюдение закона, а также укрепить достоинство закона, они будут иметь общую веру в закон страны.

Кроме того, в совершенствовании законодательства особую роль играют юристы. Они помогают решать проблемы, дают консультации, информируют население о новых законах, защищают их права, посредством их повышается правосознание у народа.

За последние годы реализован ряд конкретных мер по совершенствованию системы юридического образования. В целях кардинального совершенствования системы юридического образования, обеспечения их конкурентоспособности на международном образовательном пространстве, повышения качества подготовки юридических кадров, был принят Постановление Президента «О мерах по коренному совершенствованию системы и повышению эффективности подготовки кадров в Ташкентском государственном юридическом университете».

Студенты, которые станут практикующими юристами, должны уметь самостоятельно толковать нормативные акты и обладать навыками правоприменения, для этого необходимо улучшить сферу юриспруденции. Все это прекрасно выразил известный дореволюционный профессор права Г.Ф. Шершеневич: «Чтобы применять закон, нужно знакомство с теорией закона».

Права человека — ядро гуманистического, демократического правосознания. Уровень правосознания — это не только правовая информированность людей, знание ими законов. В первую очередь,

это — готовность соблюдать и выполнять законы, законопослушание, уважение к праву и правосудию. Развитое законодательство является важной предпосылкой повышения правовой культуры, обязательным условием становления правового государства. Необходимо последовательно приводить национальное законодательство в соответствие с международными нормами и стандартами в области прав человека. Законы должны быть жизненными, тесно связанными с практикой, исходить из нее¹.

Говоря о совершенствовании законодательства и повышения правосознания, нам необходимо отметить, что в настоящее время до сих пор существуют пробелы в сфере правового образования.

Далее, рассмотрим их и постараемся выдвинуть некоторые решения для поднятых вопросов в настоящей статье. Среди существующих проблем можно отметить следующие:

- плохая социальная идеологическая и культурная этика стала препятствием для правового воспитания, препятствующим здоровому росту подростков. Некоторые подростки не могут рассматривать вопрос с юридической точки зрения, поэтому они могут стать инструментом преступлений и жертв, так как они не могут использовать «законное оружие» для защиты своих законных прав, но хуже всего, что некоторые молодые люди попадают в пропасть незаконной преступности в следствие интернет-зависимости;

- отсутствие стабильных и последовательных учебных курсов по правовому образованию;

- недостаток организации подготовки преподавателей;

- отсутствие единого эффективного метода организации правового обучения, что является следствием многообразия форм подачи материала. С одной стороны появление большого количества учебных пособий и курсов – это не плохо. Однако они

¹ Постановление Олий Мажлиса РУз «о национальной программе повышения правовой культуры в обществе» (Интернет ресурс (<https://lex.uz/docs/249007>) Дата обращения: 23.10.2022г.)

внедряются в школах без экспериментальной проверки и научного обоснования;

- проблемы и недостатки правового воспитания в семье, в результате равнодушия к правовому образованию. То есть, родители не так сильно заботятся о своем ребенке, что приводит подростков в плохое состояние, в результате чего они становятся склонными к совершению преступлений. Некоторые родители заняты своей работой и игнорируют своих детей, они думают, что достаточно обеспечить детям необходимые материальные условия. Они не заботятся об эмоциональных потребностях детей и позволяют их мыслям колебаться.

В данном случае, нам следует отметить слова В. В. Сорокина: «Если человек до 30 лет не получил должного воспитания, в том числе правового, то вряд ли он станет восприимчив к внешнему воздействию в форме воспитания». Мы должны начать воспитывать правовую культуру с малых лет человека, повысить веру в дух закона. Для этого необходимо расширить мировоззрение в сфере права у родителей и преподавателей, а в этом процессе важную роль играет государство.

Следовательно, рассмотрим следующие возможные варианты, повышения правосознания и достойное воспитание молодого поколения:

- формировать гуманистические мировоззрения, которое способное осознанию своих и других прав;
- развивать способность нести ответственность за свои поступки;
- возбудить чувство патриотизма, а также формировать уважительное отношение к своему народу и к народам мира, языку и культуре;
- научить молодежь уважать интересы и взгляды других;

- проявлять свою гражданскую позицию в самых непредвиденных ситуациях, бороться с безнравственными и противоправными поступками людей;
- улучшить сферу образования, разработать эффективные методы организации уроков;
- придумать новые способы повышения правосознания также родителей и преподавателей;
- необходимо совершенствование административного законодательства и принятые законы должны работать на практике;
- органы государства должны работать эффективно, правильно толковать и донести суть закона до населения;
- повысить уровень законности и прозрачности взаимоотношений государственных органов с гражданами и юридическими лицами;
- устранить административные барьеры и создать условия для предоставления качественных государственных услуг, обеспечить четкую технологию своевременной разработки, принятия и исполнения административных актов государственными органами;
- обеспечить прозрачность деятельности государственных органов и их должностных лиц как эффективное средство предотвращения коррупции.¹

Анализируя вышеизложенное, мы можем сделать вывод, что развитие правосознания начинается с семьи, самовоспитания, образования, а на основе всего это лежит работа государства. Несмотря на проблемы в законодательстве, наша страна старается и стремится к разработке эффективных методов по развитию правосознания молодежи потому, что оно является одним из приоритетных направлений деятельности каждого государства, так как правосознание людей – путь к их развитию.

¹Вопросы совершенствования законодательства об административных процедурах в Республике Узбекистан. (Интернет ресурс (<https://www.minjust.uz/ru/library/>) Дата обращения: 23.10.2022г.)

Как мы видим, с каждым годом этот процесс дает свой положительный результат, наша правовая система совершенствуется, разрабатываются проекты, которые оказывают бесплатную юридическую помощь. Одним из них является юридическая клиника, которая помогает людям в разрешении их проблем, а также проект Street Law, в рамках которого студенты ТГЮУ делятся своими знаниями со школьниками и способствуют повышению их правосознаний. Повышение правовой культуры, совершенствование административного законодательства способствуют формированию уважения и веры в закон, избеганию конфликтов между гражданином и государством, ведет к сокращению правонарушений. Если права, свободы, интересы человека будут на первом месте, тогда в стране будет царить мир, спокойствие, справедливость, а этот весь процесс приведет к созданию сильного правового государства.

МУНДАРИЖА

Рабиев Шерзод Миржалилович. “Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги нутқи.....	3
Жўраев Ислон Анвар ўғли. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари: амалиётнинг шаклланиш босқичи ва илк натижалар.....	6
Машарипов Соҳибжон Тохирович. Юридик хизмат кўрсатиш истиқболлари ва соҳа фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....	13
Файзиев Хайриддин Сирожиiddинович. Юридик хизмат кўрсатишнинг такомиллашуви: хорижий тажриба ва миллий амалиётнинг шаклланиши.....	15
Махмудов Фируз Бахтиёр ўғли. Юридик хизмат ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш: хорижий тажриба мисолида.....	30
Алимов Ғайбулла Алимович. Юрист кадрларни малакасини ошириш ўқув марказлари филиалларини ташкил этиш самара беради.....	41
Хакимов Ғуломжон Турғунпулатович. Нотариат соҳаси: сўнгги ислохотлар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг айрим масалалари.....	47
Хужаназаров Азизжон. Норма ижодкорлиги тушунчаси юзасидан илмий ёндашувлар	52
Шарипова Гулбаҳор Сульгиевна. Особенности профессии – юрисконсульта.....	56
Юлдашев Шерали Нуралиевич. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг тутган ўрни.....	65
Фазлиддин Зарипов. Адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилишнинг долзарблиги.....	71

Норманова Клара Эшназаровна. Жиноятда иштирокчилик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг шаклланиши, ривожланиши ва замонавий ҳолати	75
Хаитбаев Мурадулла Махаматжонович. Соғлиқни сақлаш органларида юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини кафолатлаш масалалари.....	90
Жумаев Шоҳжаҳон Бегимқул ўғли. Айбсизлик презумпцияси ҳамда “миранда қоидаси” янги таҳрирдаги конституцияда мустаҳкамланмоқда.....	105
Норқулов Акбар Уроқович. Кибермаконда эмодзиларни тартибга солишнинг ҳуқуқий табиати.....	108
Мансурова Наргис Нематовна. Роль административного законодательства в развитии правосознания у общества в республике узбекистан	119

**“ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**
*мавзусидаги илмий-амалий
конференция материаллари
(2023 йил 1 март)*

Тўплам қуйидаги сайтга жойлаштирилган:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази сайти: <http://uzmarkaz.uz/>